

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«Молия» кафедраси

5340600 - «Молия» таълим йўналиши кундузги бўлим
412-гурух битирувчиси

Бибитов Ўткиржон Панжиевичнинг
бакалавр академик даражасини олиш учун

“Аққиз солигини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш
тартибини такомиллаштириш”

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Факультет декани:

доц. Рўзиев О.А.

Кафедра мудири:

и.ф.н. Абсаматов А.Э.

Илмий раҳбар:

Ҳолиқов С.

Бажарувчи:

Бибитов Ў.П.

Термиз - 2011

Мавзу:Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

Режа

Кириш

1.Боб. Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.

1.1.Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

1.2.Акциз солиғининг жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.

2.Боб.Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини амал қилиш жараёни, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.

2.1.Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини жорий қилиниши.

2.2.Акциз солиғини тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари.

2.3.Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Солиқ тизимида энг ички ўзгарувчан, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўплаб омиллари билан тўқнашувчи солиқ бу - акциз солиғидир. Шу боис, акциз солиғининг моҳиятини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқ ҳолда ўрганиш энг долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, акциз солиғининг моҳияти доимо эгри солиқлар доирасида ўрганиб чиқилган. Акциз солиғи эгри солиқ бўлганлиги сабабли унинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Шу боис, акциз солиғи ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши лозимдир. Мамлакатимизда иқтисодиётни юксалтириш даврида эгри солиқлардан бўлмиш акциз солиғи давлат хазинасининг асосий даромад манбаси ҳисобланади. Ушбулардан кўриниб турибдики танланган мавзу бугунги куннинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари. Молиявий инқироз шароитида ҳам давлат ҳам солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда солиқ – бюджет сиёсатида олиб борилаётган ўзгартиришлар акциз солиғини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шу боисдан акциз солиғини ундиришнинг ягона тамоилини аниқлаш ишнинг мақсади ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишининг бош мақсадига эришиш учун тадқиқот жараёнида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиш;
- жаҳон солиқ амалиётида акциз солиғининг қўлланилиши ҳамда ривожланишини ўрганиш;
- мамлакатимиз солиқ тизимида акциз солиғини жорий қилинишини ёритиш;
- инқироз шароитида акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.

Илмий изланишнинг объекти ва предмети. Республикамиз ва Сурхондарё вилояти бюджет даромадларида акциз солиғининг тушуми тадқиқотнинг объекти, предмети акциз солиғи солиш механизми ҳамда уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий янгилиги акциз товарлари рўйхатида ўсимлик мойининг чиқариб ташлаш, ҳамда импорт жараёнида акциз солиғини ҳисоблаш механизмига киртилиши таклиф қилинаётган фикрлар ҳисобланади. Ушбу тадқиқот ишидан Олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларида “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Божхона иши ” каби фанларни ўтишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши, кириш, иккита боб, 6-жадвал , хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг биринчи бобида акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши атрофлича баён қилинган. Ишнинг иккинчи бобида эса Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини амал қилиш жараёни, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилган. Хулоса ва таклифларда эса тадқиқотларни умумий якуний сифатида хулосалар чиқарилиб, амалий таклифлар келтирилган. Ўйлаймизки ушбу тадқиқот иши акциз солиғини ундиришни ташкил этиш бўйича кўзлаган мақсадга эришган.

1. Боб.Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.

1.1 Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, солиқ солиш товар-пул муносабатлари пайдо бўлиши билан юзага келган. Маҳаллий сардор ёки феодал йўл ёки довонни тўсиб, ўз худудидан ўтган савдогарлардан тўлов ундирганда унинг бошланғич шакли юзага келган эди. Солиқ солишнинг бу шакли қанчалик содда бўлмасин, у шу кунгача, қонуний ёки қонунга зид равишда, қарийб ўзгармаган кўринишда ер қуррасининг турли нуқталарида мавжуд. Бугунги кунда акциз солиқлари гуруҳи давлат бюджетининг даромад қисмида ва умуман солиқ механизмини тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Оддий фуқаро бундай солиқ мавжудлигидан хабардор бўлсада, унинг моҳияти ҳамда товарлар ва хизматлар қийматида унинг аниқ ҳажми қандайлиги тўғрисида тасаввурга эга эмас. Айти қандай товарлар акциз солиғига тортилади ва нима учун? Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб акциз солиғининг табиатидан келиб чиқади. Акцизларнинг моҳияти ва уларнинг мазмуни ушбу солиқдаги сирли туюладиган ҳамма нарсаларга тушунтириш беради. Тарихий занжир қуйидагича ривожланди: аввал акциз пайдо бўлди, кейин кўриниши ўзгарган тарзда айланмадан олинадиган солиққа айланди, ушбу солиқ ривожланишининг “пировард бекати” қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўлди. Чунончи, акциз ҳақли равишда истеъмолга доир солиқлар бутун гуруҳининг бошловчиси ҳисобланади. Дастлаб зеб-зийнат буюмлари ёки иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган соҳалари ҳисобланган товарлар ва хизматлар акцизга тортилган. Бугунги кунда, деярли барча мамлакатларда қатор истеъмол буюмлари (совун, гугурт, туз, пахта ёғи ва ҳоказолар) ҳам акцизга тортилади.

“Акциз” французча “accise”, латинча “accidere” сўзларидан олинган бўлади, таржима килинганда “кесиб олиш” маъносини англатади. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида акциз солиғига қуйидагича изоҳ берилган: «акциз солиғи соф даромаднинг нархда ва қўшилган қиймат

солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, эгри солиқ сифатида бюджетга ўтказиладиган (ундириладиган) бир қисмидан иборатдир. Бизнинг фикримизча, акциз солиғи соф даромаднинг эмас, балки юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга йўналтириш шаклидир

Зеро аслида ҳам акциз солиқ механизми сифатида товарлар ва хизматлар қийматининг бир қисмини “кесиб олиб”, уни давлат хазинасига беради. Акциз тўловчи бўлиб, шунингдек бутун билвосита солиқлар гуруҳининг тўловчиси бўлиб ҳам, неъматларнинг пировард истеъмолчиси ҳисобланади.

Нима учун айти акциз керак, нега уни ундиришни бошқа билвосита солиқлар билан бирга олиб бориб бўлмайди. Ўз моҳиятига кўра у истеъмолга доир солиқлар гуруҳи - ҚҚС, айланмадан олинадиган солиқ, сотувдан олинадиган солиққа кирадику?. Қандай ғалати туюлмасин, акциз юксак даражада ривожланган, барқарор бюджет тузумига эга бўлган мамлакатлардан бошлаб эндигина бозор иқтисодиётига ўтган, ўз солиқ тизимини ривожлантира ва мустаҳкамлай бошлаган давлатларга қадар, барча мамлакатларда билвосита солиқларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Акцизларнинг солиқ тизимидаги мустаҳкам ўрни уч шарт билан изоҳланади.

Биринчи - акциз солиғи истеъмолчилар учун ҳам, умуман жамият учун ҳам зарарли ҳисобланган товарлар ва хизматлардан ундирилади. Бундай товарлар гуруҳига алкогольли ва тамаки маҳсулотлари, нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотлари киради. Айти шунда чатишув юз беради, давлат инсон саломатлиги, жамият ва экология учун зарарли товарларнинг истеъмолини жиловлаб туради, бошқа томондан эса молиявий ресурсларни бюджетга барқарор равишда олиб, улардан кейинроқ ана шу маҳсулотларнинг истеъмоли етказган зарарни қоплаш учун фойдаланади.

Иккинчи - акциз солиғи энг зарур товарлардан ундирилган ҳолда, бу нарса бундай турдаги товарларга (совун, дала гуллари, туз - Францияда;

кофе, дори-дармонлар - Германияда; йўллар, озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари - АҚШда) талаб юқори ва ноэластик, доимий ҳисобланиши билан изоҳланади. Бу товарларнинг истеъмоли кафолатланган, демак бюджетга ушбу солиқ бўйича маблағларнинг тушиши кафолатланган.

Учинчи - товар нархида қин-ғайишлар пайдо бўлганда. Товарни сотиш нархи унинг ҳақиқий нархидан, яъни таннархидан анча ошиб кетиши ҳолида нархларнинг қинғайиши вужудга келади. Кофе, вино-ароқ ва тамаки маҳсулотлари ана шундай товарларга мисол бўла олади. Ушбу товарларни ишлаб чиқаришда анча кам ресурслар сарфланади, уларни сотиш нархи эса сарфланган ресурслар суммасидан кўп барабар фарқланади. Давлат акцизлар ёрдамида ишлаб чиқарувчиларнинг акциз солиғи мавжуд бўлмаганида бўладиган ортиқча фойдасини тартибга солади.

Ана шу уч шарт муҳим шартлар ҳисобланади, зеро истеъмолга доир солиқлар гуруҳига мансуб бошқа бирорта солиқ ҳам акцизнинг вазифасини тўлиқ даражада бажара олмаган ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга сола олмаган бўлар эди.

Акциз солиғининг бошқа бир афзаллиги унинг билвосита солиғи эканлиги, бинобарин барча билвосита солиқлар сингари кўзга кўринмаслиги ҳисобланишидadir. Истеъмолчи уни тўлашдан бўйин товлай олмайди, чунки у товар нархига киритилган, уни тўларкан, тақдирдан нолимайди, зеро на унинг аниқ миқдори, на товар нархида у қанча фоизга эгалигини билмайди.

Давлат уни йиғишга маблағ сарфламайди, зеро у билвосита бўлиб, пировард истеъмолчи бутун солиқ суммасини бевосита товарлар ва хизматлар учун қийматни тўлаш пайтида ўз ихтиёри билан тўлайди.

Шу тариқа, акцизлар солиқ сиёсати ва тартибга солишнинг энг мослашувчан дастакларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда: давлат учун уни ундириш арзонга тушади ва қулай, солиқ тўловчилар учун эса ҳар доим ушбу солиқни тўлашда танлаш эркинлиги мавжуд. Айни вақтда акциз солиғига тортиш механизми зарарли одатлардан қутулишга имкон яратади.

Эгри солиқ сифатида акциз солиғининг қўшилган қиймат солиғидан фарқланувчи хусусиятли жиҳатларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

- акциз солиғида чекланган турдаги акцизosti маҳсулотларини сотиш обороти солиққа тортиладиган объект бўлади ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, қўшилган қиймат солиғидаги солиққа тортиш объекти бўлган иш ва хизматлар акциз солиғига тортилмайди;

- агар қўшилган қиймат солиғи товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг барча босқичларида вужудга келса ва ундирилса, акцизлар эса фақат ишлаб чиқариш соҳасидагина амал қилади. Ушбу қоидадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган акцизosti маҳсулотлари ва товарлари истиснодир.

Модомики, ушбу ҳолатда акциз солиғини тўловчилар бўлади, акциз ости маҳсулотларини сотиб олувчи ва қайта сотувчи ташкилотлар ҳисобланади.

Акциз солиғи ўз моҳиятига кўра товар баҳосига киритилувчи ва охириги истеъмолчи томонидан тўланадиган эгри солиқдир. Унинг ижтимоий - иқтисодий моҳияти фақат тақсимот даражасига қараб ифодаланади ва такомиллаштирилади.

Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти бюджет тушумини таъминлаш орқали халқ хўжалиги манфаатларини қондиришга, кўпроқ маблағларни жалб эттириши орқали намоён бўлса, унинг ижтимоий моҳияти аҳолининг, яъни асосий истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятларини ошишида ўз ифодасини топади. Бу эса акциз солиғи объектлари (акциз ости товарлари)ни қисқартирилишида, солиқ ставкалари пасайишида, аҳоли тўлов қобилиятини ўсишида намоён бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, субъектлар акциз солиғи истеъмолчилари сифатида юзага келиши табиийдир.

Аммо акциз солиғи енгилликлари товарларни харид қилиш учун олинадиган кредит ресурсларини қисқартирилишига, бу эса ўз вақтида харажатларнинг пасайишига олиб келади. Харажатларнинг пасайиши эса фойдани ошириш омилларидан биридир.

Акциз солиғини моҳиятини очишда у бажарадиган вазифаларни билиш муҳимдир. Шу жихатдан унинг қуйидаги вазифаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз:

биринчидан, мамлакат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан бири саналади. Солиқ тизими ривожланиш босқичини бошдан кечираётган барча давлатлар сингари, мамлакатимизда ҳам акциз орқали даромадларни тез ва осон йиғиш имкониятлари юзага келади. Француз иқтисодчиси Ф. Дэмэзон таъбири билан айтганда “акцизнинг ўзи барча бошқа солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга кодирдир”

иккинчидан, акциз ости товарлари истеъмолини чеклаш (асосан ижтимоий зарарли товарлар) орқали муайян бозор доирасида талаб ва таклифни тартибга солиш. Иқтисодий ўсиш доирасини башқаришда акцизости товарлар рўйхатини белгилаш орқали давлат ялпи талаб ва таклифни эгилувчанлиги таъминлайди;

учинчидан, давлатнинг миллий бозорни ҳимоя қилиш вазифаси акциз солиғи орқали таъминланадики, бунда юқори солиқ ставкаларидан фойдаланилади;

тўртинчидан, акциз солиғи монопол мавқеядаги товар ишлаб чиқарувчи ёки аниқ маҳсулот турини прогрессив солиққа тортиш вазифасини ўтайди;

бешинчидан, акциз солиғи аҳолини бой бадавлат қатламлари даромадларини қайта солиққа тортиш усули бўлиб ҳисобланади. Чунки акциз солиғи асосан нуфузли (қиймати юқори) товарларга қўлланиладики, бундай товарларни асосий истеъмолчилари бой-бадавлат шахслар ҳисобланади.

Солиқ солиш соҳасини эркинлаштириш, тадбиркор ва ишлаб чиқарувчилар учун солиқлар юкини янада енгиллаштириш сари олиб борилаётган бугунги ислохотларимиз жараёнида асосий эътибор бевосита солиқлардан билвосита солиқларга қаратилаётганини кузатиш мумкин. Давлат бюджетининг даромад қисми ҳам асосан билвосита солиқлар ҳисобидан тўлдирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ишлаб чиқарувчилар учун солиқ юкини камайтиришда акциз солиғи ставкаларининг

бозор талабларидан келиб чиқиб белгиланаётгани, акцизости товарларини ишлаб чиқариш тартибга солинаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга келиб дунёдаги қарийб барча мамлакатлар миллий иқтисодиётини ва Давлат бюджети даромад қисмини акцизлар орқали тартибга солиш тажрибаси амал қилиб турибди. Бозор иқтисодиёти шароитида акцизлар асосан юқори рентабелли товарларга нисбатан қўлланилади. Хусусан, алкоголь ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, заргарлик буюмлари сингари биринчи даражали бўлмаган истеъмол товарлари одатда акциз солиғига тортилади. Бу товарлар баҳоси ошишига карамай, уларга бўлган талабнинг кескин камайиши кузатилмайди. Шунингдек, ҳукумат акцизлар орқали акцизости товарлари ишлаб чиқарувчиларининг кам харажат ва ҳаракат билан қўлга киритган юқори иқтисодий самарасининг бир қисмини солиқ сифатида бюджет даромадига олади. Акцизларни кўп ҳолларда "харажат солиғи" деб ҳам аташади. Бунинг маъноси шуки, фуқаро қанчалик кўп акцизости товарларини истеъмол қилса, у шунчалик кўп акциз солиғини тўловчи шахс ҳисобланади. Умуман, бошқа билвосита солиқлар қатори, акциз солиғини ҳам бюджетга айнан акцизости товарларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар тўлайди, лекин уни истеъмолчи ва харидор сифатида жисмоний шахслар ҳам тўлаши амалиётдан маълум.

1.2.Акциз солиғининг жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.

Бу солиқ биринчи марта Англияда жорий этилган. Дастлабки акцизли товарлар орасида туз, спиртли ичимликлар, гўшт, ун ва нон бор эди. Акциз билвосита солиқ бўлиб, муайян товарларни ишлаб чиқаришга жорий этилади. Акциз солиғи бу товарларнинг нархига киритилади ва уни харидорлар тўлайди. Кўп босқичли ҚҚСдан фарқли равишда акцизлар бюджетга бир марта тўланади, маҳсулотнинг барча қийматига ёки маҳсулот бирлигига солиқ солинади.

Акцизлар икки хил вазифани бажаради: биринчидан, у бюджет даромадларининг муҳим манбаларидан биридир; иккинчидан, талаб ва таклифни тартибга солиш воситасидир, шунингдек баъзи товарларнинг истеъмол қилинишини чеклайди. У ҳаддан ташқари кўп фойда олишга тўсқинлик қилади, шу сабабли минерал хом ашё қазиб чиқарадиган ва спирт ишлаб чиқарадиган компаниялар акциз солиғига тортилади.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларига солиқ юкини камайтириш учун акцизли товарлар қаторига одатда зеб-зийнат буюмлари (мўйналар, машиналар, мебель, заргарлик буюмлари ва ҳоказолар) киритилади. Акцизлар воситасида ижтимоий зарарли товарлар спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш чекланади.

Солиқ солишнинг ривожланишини уч даврга бўлиш қабул қилинган. Биринчиси ўрта асрларнинг хўжалик тизимларини ўз ичига олади. Иккинчисида солиқлар бюджет даромад қисмининг асосий манбаига айлана бошлади, айнан шу даврда дастлабки солиқ тизимлари шаклланди. Бу давр бевосита ва билвосита солиқларнинг ҳаддан ташқари кўплиги билан ажралиб туради. Учинчи давр (XIX аср)да солиқлар сони камайиб, уларни тайинлаш ва ундиришда ҳуқуқнинг аҳамияти ошди.

Қадим замонларда акцизни бошқача: бож, хирож, йиғим ёки оддийгина қилиб солиқ дея номлашган. Эрамининг бошларида Рим хазинасига, масалан, қулларни озод қилиш муносабати билан йиғилган, шунингдек

денгиз орқали етказиб бериладиган товарлардан ундириладиган йиғимлар келиб тушган. Рим салтанатида туз учун солиқ жорий этилган, ваҳоланки Рим шахрининг ўзи уни тўлашдан озод этилган эди. Одатда ҳашамат буюмлари доим солиққа тортилган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, акцизлар қадимги Рим иқтисодиётида муваффақиятли қўлланилган. Албатта, у даврларда солиққа тортишнинг ҳозирги кўринишдаги механизмлари бўлмаган, аммо билвосита солиқ сифатида улар мамлакат даромадини молиявий ресурслар билан шакллантиришда кенг фойдаланилган. Қадимда акцизларни бошқа номлар билан бож, тўлов, йиғим ёки содда қилиб солиқ деб аташганлар. Акцизларнинг уша даврда амал қилган солиққа тортиш механизми тўғрисида тахминий маълумотлар мавжудлиги унинг илк пайдо бўлган даврини аниклашга имкон бермайди. Масалан, халқ трибунлари Тиберий ва Гай Гракхов (эр. ав. 162-133 ва 153-121 йй.) даврларида Рим ғазнасига қулларни озод этишдан, шу билан бирга ўз шахсий истеъмоли учун зарур бўлмаган товарларни денгиз орқали Римга олиб келинишдан йиғимлар тушиб турган. Қадимги Мисрда XII-XIIIчи сулолалар даврида(эр. ав. иккинчи минг йиллик) пивога солиқ солинган. Албатта, бу тўловлар ҳозирги талқиндаги акцизлар бўлмаслиги мумкин, лекин уларни акцизларнинг дастлабки намуналари сифатида эътиборга олиш лозимдир.

Тарихий манбаларга кура, Англияда Кромвел даврида республиканинг йигирма йил амал қилиши давомида акцизларнинг икки юзга якин тури жорий этилган. Шунда ҳар хил турдаги объектлар солиққа тортилган, масалан, похол кукуни ёки ёғ учун қути идишлар шулар жумласидандир. XI асрда Голландияда эгри солиқ турлари шунчалик кўп эдики, тарихчи де-Витта сўзларига қараганда, меҳмонхонада тортиқ қилинган балиқ бўлагига 34 хил акциз тўғри келган.

Демак, акцизлар, бождарни ҳисобга олмаганда солиққа тортишнинг энг қадимги шаклидир.

Францияда 1345 йилда туз, шунингдек вино ва ароққа ўлпон жорий этилди. Бу солиқлар кейинчалик ўзгарди, бекор қилинди ва бошқа кўринишда яна жорий этилди.

Туз солиғи бошқа давлатларда, масалан, Англияда ҳам тарқалган эди. Голландия, Папа вилояти ва Женева Республикасида олиб кириладиган дондан солиқ ундирилган.

Осиё мамлакатларида ҳам акциз турли солиқлар орасида машҳур бўлган. Шарқ шахрига савдо қарвони кириб келаётганда уни биринчи бўлиб солиқчи амалдор қарши олган ва товарни кўздан кечириб, унинг қийматидан (ёки ўзининг ўзгача мулоҳазаларидан) келиб чиққан ҳолда солиқ миқдорини тайинлаган. Хитой императорларининг Цин сулоласи ҳукмронлик қилган даврда (1644-1911 йиллар) ишлаб чиқарувчи вилоятларнинг тузига у истеъмол қилинадиган вилоятларда акциз божи солинган. Шу тариқа истеъмолчи вилоятлар ўз даромадларини оширганлар.

Акциз ундириш амалиётигина эмас, балки тўловнинг ушбу турига бўлган қарашларнинг ривожланиши ҳам қизиқиш уйғотади. Классик сиёсий иқтисод асосчиси Вильям Петти ўз рисоласида (1662 йил) шундай деб ёзган: "Ҳамма фуқаролар жамоат осойишталигидаги ўз улушлари ва манфаатдорлигига мутаносиб равишдагина давлат харажатларини қоплашда иштирок этишлари шарт деб билади. Яъни уларнинг мулки ёки бойлигига мутаносиб бўлишлик назарда тутилади. Бироқ бойликнинг икки тури мавжуд: бири - ҳақиқий, бошқаси эса бўлғуси бойликдир. Киши еб-ичиши, кийиниши ёки бошқа бирор тарзда ҳақиқатда ва амалда фойдаланишига мувофиқ равишда ҳақиқатда бой бўлади. Етарли имкониятга эга бўлсада, лекин улардан кам фойдаланувчилар эса фақат бўлғуси бойлар саналади..."

Бундан келиб чиққан ҳолда Петти ҳар бир киши ўз зиммасига нимани олиши ва ҳақиқатда истеъмол қилишига мувофиқ равишда давлат харажатларида иштирок этиши кераклигини қайд этади.

Шарль Луи Монтескье ўзининг "Қонунлар руҳи ҳақида" номли асарида (1748 й.) акциз солиғи ҳақида шундай деб ёзади: "Гарчи айтилишидан

ундирилсада, ҳақиқатда харидор томонидан тўланадиган бу солиқ харидор савдогардан оладиган қарздор: шу сабабдан савдогар давлатнинг умумий қарздори ҳамда барча алоҳида шахсларнинг кредитори саналади. У қачонлардир харидорлар томонидан унга тўланадиган солиқни олдиндан давлатга тўлайди; у ўз товарлари учун солиқ тўлаб, харидор ўрнига уни тўлаб бўлди".

Россияда вино откупи деб аталган тўловни акцизларнинг илк кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. 1796 йилда ичимликлар откуп ҳақидан давлатга энг кўп тушум тушган. XIX асрнинг 60-йилларидан биринчи жаҳон уруши бошлангунига қадар ичимлик ҳақи хазинага тушадиган барча солиқ тушумларнинг учдан бирини ташкил этган.

Россия салтанатининг давлат бюджетида 1890 йили билвосита солиқларнинг улуши 475 миллионга ёки барча даромадларнинг 45,4 фоизига тўғри келган. Улар орасида алкоғолли маҳсулот, шакар, тамаки, керосин ва бошқалар учун акцизлар асосий ўрин эгаллаган. Божхона божларидан тушган даромад қарийб 213 миллион рублни ташкил этган. Қиёслаш учун - бевосита солиқлар 148 миллион рубль миқдорида йиғилган эди. XX асрнинг дастлабки йилларида Россия бюджет даромадида акцизларнинг мавқеи жуда юқори бўлиб, хусусан 1901 йил бюджет даромадининг 60 фоиздан ортиғини айнан шу солиқ тури таъминлаган. Акцизоти товарлари таркибига асосан кундалик эҳтиёж моллари, жумладан туз, шакар, гугурт, чой, шағам, тамаки маҳсулотлари, спиртли ичимликлар ва бошқа истеъмол товарлари кирган.

Маълум бир даврга келиб кундалик эҳтиёж молларининг аксарият қисми акцизоти товарлар таркибидан олиб ташланганида бюджет даромадида акцизларнинг салмоғи кескин камайган ва у 8,8 фоизгача ҳам тушиб кетган. Бундай "енгиллик берилиши" эса ўзини оқламади - бюджет даромадини ўз вақтида ва тўлалигича шакллантиришнинг имкони йўқотилгани туфайли кейинчалик акцизоти товарлар таркиби яна кенгайтирилди: энди уларнинг таркибига валенка, вино, нефть маҳсулотлари, кофе, квас, мис ва олтин буюмлари киритилди.

1917 йилдан сўнг акцизлар ЯИС (янги иқтисодий сиёсат) даврида қўлланилган. 1921-1923 йилларда спирт, тамаки маҳсулотлари, керосин ва бир қатор бошқа товарларга акцизлар белгиланган. Кейинчалик солиқ ислоҳоти давомида акциз йўқолиб, у оборотдан ундириладиган солиққа киритилди. Узоқ вақт давомида акцизларни қўлламаслик оқибатида фанда уларга нисбатан қизиқиш пасайди.

Бугунга келиб барча давлатлар солиқ тизимида эгри солиқлардан бири акциз солиғидан бюджет даромадларини тўлдиришда самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Швецияда акциз солиқлари рўйхати анча кенг. Акциз солиғи алкогольли маҳсулотлар, чиқиндилар, инсектицидлар, энергия манбалари, углерод ва олтингугурт оксиди, ўғитлар, атом энергияси, лотереялар, табиий шағал, реклама, ютуқлар, қимор ўйинлари, тамаки маҳсулотларидан олинади, шунингдек ҳаётни гуруҳ бўлиб суғурталашдан махсус акциз ундирилади.

Акцизлар давлат бюджетига тушади ҳамда улар йилига тахминан 82 млрд кронни мамлакат даромадининг салмоқли қисмини ташкил этади. Шу суммадан тахминан 55-60 млрд кронни энергия манбалари, жумладан бензинга бўлган акциз таъминлайди.

Акцизларнинг кўпчилиги Швеция бюджетининг даромад қисмини тўлдириш учунгина жорий этилмаган. Навбатдаги акциз солиғи киритилишидан аввал, одатда, молиявий, сиёсий ва ижтимоий муаммолар ўрганиб чиқилади. Истеъмолга таъсир кўрсатиш дастагининг ёрқин мисоли сифатида алкоголь, тамаки ва энергияга солинадиган акцизларни кўрсатиш мумкин.

Филиппинда эса солиқ тушумлари давлат даромадларининг 80 фоизини ташкил этади. Даромаднинг каттагина қисми марказий ҳукумат эҳтиёжи учун ишлатилади. Ҳозирги вақтда тўртта асосий билвосита солиқ турлари мавжуд. Булар акциз йиғими, қўшилган қиймат солиғи, бизнеснинг айрим турларидан олинадиган фоизли солиқ ва ҳужжат айланишига солинадиган солиқдир.

Акцизлар махсус ва адвалор (қийматли) акцизларга бўлинади. Махсус акцизлар товарнинг вазни, ҳажми, қуввати ёки бошқа физик ўлчов бирлигига қараб ундирилади. Адвалор акцизлар эса маҳсулотнинг сотув қиймати ёки бошқа қийматига асосланади. Ички сотув, истеъмол ва тақсимот учун Филиппинда тайёрланган ёки ишлаб чиқарилган товарлардан акциз йиғими олинади. Импорт қилинаётган товарлар ҳам бундан мустасно эмас. Бундай товарлардан акциз солиғи бож билан бир қаторда ундирилади. Акциз солиғи тозаланган спирт, вино, тамаки ва сигареталарга, мой ва ёқилғи-мойлаш материалларига, пиротехника маҳсулотларига, кинофильмларга, сахаринга, автомобилларга, минерал маҳсулотлар, шу жумладан кўмир ва нефтга, шунингдек зеб-зийнат ашёлари (заргарлик буюмлари, атирлар, яхталар ҳамда спорт ёки кўнгилочар машғулотлар учун мўлжалланган бошқа кемаларга) татбиқ этилади. Акциз солиғи солинадиган товарларнинг номенклатураси вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бири ГФРда ҳозирда амал қилаётган акциз солиқлари билан танишамиз.

ГФРда олинadиган барча солиқ турлари учун амал қиладиган умумий қоидалар Чегирмалар тўғрисидаги низомда баён қилинган бўлиб, бу Солиқ кодексининг бир кўринишидир. Бу ҳужжатда солиқлар, солиқ тўловчилар ва солиқ тўловларини ундиришнинг асосий қоидалари белгилаб берилган. Жисмоний шахслар учун даромад солиғи; корпорациялар учун солиқ; кўшилган қиймат солиғи; хунармандчилик солиғи; мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер участкасини сотиб олиш чоғида тўланадиган солиқ; меросдан ва ҳадядан; автомобилдан олинadиган солиқлар, ёнғиндан сақлашга олинadиган солиқ; акцизлар Германиянинг асосий солиқларидир.

Истеъмол солиқлари - акцизларга батафсил тўхтаймиз. ГФР ва эркин портлар ҳудудида айланмада бўлган ва истеъмол қилинаётган акцизли товарлардан шундай солиқ олинади.

Икки ҳолатда, яъни акциз омборидан товарлар чиқарилган пайтда ёки улардан акциз омборида фойдаланилган (қайта ишланган) пайтда акциз

тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Акциз омборлари - товарни тайёрловчи заводлар ҳамда акцизли товарлар акцизга тортилмай сақланадиган омборлардир. Акциз омборларини очишга солиқ органларининг рухсати талаб қилинади.

Европа Иттифоқининг бошқа давлатларида бўлгани каби Германияда ҳам акцизли товарлар бир акциз омборидан бошқасига солиққа тортилмай олиб ўтилиши мумкин. Акциз омборига эга бўлмаган, лекин солиқсиз товар олишга рухсатномаси бўлган тадбиркор Евроиттифок ичида товар айланмаси доирасида акциз солиғига тортилмайдиган товарларни олишига йўл қўйилади. У товар олишга ҳақли шахс мақомига эга. Товарни қабул қилиб олиш чоғида унда акциз тўлаш мажбурияти пайдо бўлади.

Акциз омборининг эгаси ёки товар олишга ҳақли тадбиркор солиқ тўловчи ҳисобланади. Европа Иттифоқининг бошқа давлатида илгари акциз солиғига тортилган товарларни олиш чоғида товарни оловчи солиқ тўловчи ҳисобланади. Акцизли товарларни Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига ички транзит бўйича ташиш чоғида қонунда белгиланган илова ҳужжатлари (маъмурий ёки тижорат ҳужжатлари) талаб қилинади.

Тижорат айланмасида товар етказиб бериладиган мамлакат қондаси амал қилади, яъни товарлар истеъмол қилинадиган мамлакатда солиққа тортилади. “Йўловчилар” ташишида эса товар тайёрланган мамлакат қондаси амал қилади. Чунончи, йўловчилар ёки сайёҳлар ўзлари истеъмол қилиш учун сотиб олган товарлар жўнатилган мамлакатда солиққа тортилиши ва етказиб бериш мўлжалланган мамлакатда акцизга тортилмаслиги лозим.

Икки томонлама солиқ олинishiга йўл қўймаслик учун товарларни Германиядан Евроиттифокнинг бошқа давлатларига ташиш чоғида солиқ ҳудудида акцизли товарларга тўланган акциз қайтарилади. ГФРнинг кўп қонунларида солиқдан озод қилиш назарда тутилган. Чунончи, дори-дармонлар ва косметика воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари (ичимликлардан ташқари), хушбўй эссенциялар ва сирка, иситиш ва тозалаш

мақсадларига мўлжалланган воситаларни ишлаб чиқариш учун берилган спирт акцизга тортилмайди.

Германияда газли вино; оралик маҳсулотлар; кофе; минерал ёқилғи; пиво; спирт-ароқ маҳсулотлари; тамаки ва тамаки маҳсулотлари; электр энергияси акцизга тортилади.

Буларнинг амалда ҳаммаси федерация бюджетига ўтказилади. Фақат пиводан олинadиган акциз бундан ягона истисно бўлиб, у федерал ўлкалар бюджетларига ўтказилади.

Газли винога акциз. Газли винода спирт миқдори 1,2% дан кам бўлмаслиги ва 15% дан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари, спиртнинг 13 фоиздан 15 фоизгача қисми ачитиш йўли билан ҳосил қилинган бўлиши керак. Акциз ставкаси, масалан, шампан виносига 0,75 литри учун қарийб 1,6 еврони ташкил қилади.

Акциз омборининг эгаси ёки ваколатли товар олувчи солиқ тўловчи ҳисобланади. Газли вино учинчи мамлакатдан (Евроиттифокнинг солиқ ҳудудидан ташқаридан) келтирилганда акциз божхона қоидаларига мувофиқ тўланади.

Газли вино солиқ ҳудудидаги бир омбордан иккинчисига ёки ваколатли товар олувчиларнинг ЕИ бошқа давлатларидаги акциз омборларига акциз тўламай олиб борилиши мумкин. Агар у тижорат мақсадида Евроиттифокнинг бошқа давлатидан акцизсиз тартибда олинган бўлса, солиқ мажбурияти олувчида солиқ ҳудудида винони олиш чоғида пайдо бўлади.

Оралик маҳсулотларга акциз. Оралик маҳсулотлар - вино билан спиртли ичимлик ўртасида турадиган муайян алкоғолли ичимликлардир. Уларда спирт миқдори 1,2% дан 22% гача бўлади. Бундай ичимликларга, масалан, херес, портвейн, мадера киради. Оралик маҳсулотларга акциз ставкаси сувсиз спиртнинг 2 галлони учун 850 еврони ташкил қилади.

Кофега акциз. Қовурилган ва эрийдиган кофе (кофе экстрактлари, эссенциялари, концентратлари) ҳамда маҳсулотлар таркибидаги кофенинг

улуши акциз солиғига тортилади. Ставка 1 килограммига деярли 3,5 еврони ташкил қилади.

Солиқ мажбурияти кофе акциз омборидан (кофе тайёрловчи корхона ёки кофе омборидан) чиққан пайтда ҳосил бўлади. Кофени Евроиттифоқнинг бошқа давлатидан келтириш чоғида солиқ мажбурияти ушбу товар солиқ ҳудудига келтирилгани қайд этилган пайтда пайдо бўлади. Бундай ҳолатда товарни олган шахс солиқ тўловчи ҳисобланади. Агар кофе учинчи мамлакатдан келтирилса, акциз божхона қоидалари бўйича олинади.

Солиқ ҳудудидан олиб келинадиган ёки Евроиттифоқнинг бошқа давлатидаги товарни олувчига етказиб берилаётган кофе солиққа тортишдан озод қилинади. Бундай ҳолатда таркибида кофе мавжуд бўлган маҳсулотга солинган акциз қайтариб берилиши ёки товарни солиқ ҳудудидан олиб чиқиб кетиш чоғида, шунингдек Евроиттифоқнинг бошқа давлатидаги товар олувчига етказиб бериш чоғида қопланиши лозим.

Минерал ёқилғига акциз. Минерал ёқилғидан ёнилғи ва мазут сифатида истеъмол қилингандагина акциз олинади. Минерал ёқилғига акциз тўғрисидаги қонун экологик соф энергия манбалари ва транспорт воситаларининг ривожланишига кўмаклашиш учун ёнилғи ва мазутдан фойдаланиш бобида бир неча истиснони назарда тутди. Бундан ташқари, Германияда бу акциз бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар мавжуд.

Ёнилғи, мазут ёки минерал ёқилғининг бошқа турларини ишлаб чиқариш учун завод фойдаланадиган минерал моддалар акцизга тортилмайди. Суюлтирилган газ (пропан, бутан), табиий газ ва бошқа газсимон углеводородлар ҳам, агар улардан ёнилғи сифатида фойдаланилса, минерал ёқилғи акцизига тортилади. Таркибида олтингугурт кам ёқилғидан фойдаланишни рағбатлантириш учун 2003 йил 1 январдан этил аралаштирилган бензинга ва таркибидаги олтингугурт миқдори ҳар килограммида 10 миллиграммдан ортиқ дизель ёқилғига оширилган акциз ставкаси белгиланган.

Солиқ бевосита маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан ёки ишлаб чиқариш ва савдо жараёнининг бошқа циклларида олинади. Солиқ товарнинг қиймати орқали истеъмолчига ўтади. Шу тариқа, солиқ тўловчилар сонининг чекланиши туфайли акцизни ундиришга бошқарув харажатлари камаяди. Солиқ тўловчи ихтиёрида акцизни тўлаш учун зарур миқдорда пул ишлаш учун вақти етарли (ўртача 55 кун) бўлади.

Бензинга акциз ставкаси ундаги олтингугурт миқдorigа қараб, 1 килограммига салкам 1 еврони, иситиш учун мазутга - салкам 7 центни ташкил этади.

Пивога акциз. Бу акциз алоҳида ўрин тутаети, чунки ундан тушган маблағ фақат федерал ўлкалар ўртасида тақсимланади. Уни акциз омбори эгаси (пиво ишлаб чиқарувчи ёки пиво омбори эгаси) тўлайди. Акциз тўлаш мажбурияти акциз омборидан пивони чиқариш пайтида ёки ундан акциз омборида фойдаланиш (қайта ишлаш) чоғида пайдо бўлати. Пиво акцизи тўланишини божхона маъмурияти назорат қилади.

Акциз миқдори пиво таркибидаги асосий шарбат миқдorigа боғлиқ. Бир йилда 200000 галлонгача пиво ишлаб чиқарувчилар имтиёзли ставкалар бўйича солиқ тўлашлари мумкин. Маҳсулотининг ҳажми бир йилда 5000 галлонга етадиган ишлаб чиқарувчилар энг юқори - 50 фоизли чегирмадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлати.

Пиво тайёрловчи заводнинг ишчи ва хизматчиларига текинга берилган пиво; ҳаваскор пиво пиширувчилар томонидан ўзи истеъмол қилиш учун уй шароитида бир йилда 2 галлонгача миқдорда тайёрланган пиво; алкогольсиз пиво акциз солиғига тортилмайди.

Спирт-ароқ маҳсулотлари акцизи. Спирт-ароқ маҳсулотларига:

- кучи ҳар қандай даражадаги этил спирти, жумладан денатуратлаштирилган спирт ҳамда таркибида камида 1,2 фоиз спирт бўлган ўткир спиртли ичимликлар;

- газли ва газсиз винолар, спирт қўшилган винолар ва узум шарбати ҳамда вермут ва бошқа хушбўй винолар;

- бошқа бижғитилган ичимликлар (масалан, олма виноси) ва уларнинг таркибидаги спирт миқдори камида 22 фоизли аралашмаси киради.

Акциз ставкаси сувсиз спиртнинг бир галлони учун 1303 еврога тенг. Спирт-ароқ маҳсулотларига акциз тўлаш мажбурияти уларни акциз омборидан - спирт-ароқ заводидан ёки спирт омборидан чиқариш пайтида (агар солиққа тортишни тўхтатиш бўйича таомил давом этмаса ёки маҳсулотни акциз омбори ичида қайта ишлаш пайтида) пайдо бўлади. Акцизни акциз омборининг эгаси ёки товарни ваколатли олувчи тўлайди.

Германияда спирт ишлаб чиқарувчи баъзи заводлар яқин вақтгача ижарага олиш тизими бўйича ишлаган. Унинг моҳияти шундай. Солиқ солинадиган база (ишлаб чиқариладиган спирт миқдори) маълум миқдордаги хом ашёдан маҳсулот чиқишининг белгиланган меъёрига асосланиб ҳисобланади. Масалан, 100 литр эзилган олчадан 5 литр тоза спирт олинади. Ҳақиқатда бундан кўпроқ спирт олинса, бундан ортиқчаси солиққа тортилмайди. Ижарага олиш тизимида уни доим ишлаб чиқарувчи тўлайди.

Тамаки ва тамаки маҳсулотларига акциз. Сигаралар, сигариллалар, сигареталар, трубкага солиб чекиладиган тамаки, тўла ёки қисман бошқа маҳсулотдан тайёрланган ва тамаки маҳсулотига тенглаштирилган маҳсулотлар акцизли маҳсулотларга киради. Бу акцизни тўлаш мажбурияти тамаки маҳсулотларини акциз омборидан (ишлаб чиқарувчи корхонадан ёки омбордан) чиқариш пайтида ёки улардан акциз омбори ичида фойдаланиш (қайта ишлаш) пайтида вужудга келади.

Ушбу акциз, баъзи ҳолларни истисно қилганда, солиқ суммасини тўлаш йўли билан эмас, балки чаканалаб сотиладиган идишларга ёпиштириладиган акциз маркаларига пул тўлаш йўли билан ундирилади. Тамаки маҳсулотларини тайёрловчилар ва импорт қилувчилар акциз маркаларини Бюнд шаҳридаги акциз маркалари марказидан оладилар. Уларга дарҳол ҳақ тўлашмайди, товарнинг солиқ қийматига қараб, маълум муддат ичида тўлайдилар.

Айрим ҳолларда қонун:

- маъмурий текширишларда ёки илмий тадқиқотларда фойдаланиладиган ҳамда натура ҳолдаги ҳақ сифатида бепул бериладиган тамаки маҳсулотларига нисбатан акцизларни тўлашдан озод қилишни;

- акциз омборига жойлаштириладиган, маълум божхона режимида олиб кетиладиган ёки жойлаштириладиган, аввал солиққа тортилган акцизли маҳсулотлар бўйича акциз миқдорини қоплашни назарда тутати.

Тамаки ва тамаки маҳсулотларига акциз Федерал божхона маъмурияти томонидан ундирилади ва федерация бюджетига ўтказилади. У даромад жиҳатидан минерал хом ашё акцизидан кейин иккинчи ўринда туради. Тамаки маҳсулотларига акциз ставкалари битта сигарета учун деярли 10 евроцент қилиб белгиланган.

Электр энергияга акциз. Бу Германия учун янги акциздир. У 1999 йилда Экология солиғини ислоҳ қилишни бошлаш тўғрисидаги қонун кучга кириши сабабли жорий этилган.

Акциз тўлаш бўйича мажбурият электр токини электр таъминоти тармоғидан олиш пайтида, яъни электр энергияси (“товар”) эркин муомалага чиқарилган ва айна пайтда фойдаланилаётган вақтда пайдо бўлади. Қайта тикланадиган энергия ресурсларидан ҳосил қилинган ва электр энергиясининг фақат регенератив турлари билан таъминланадиган тармоқдан (экологик ток тармоғидан) олинган ток солиққа тортишдан озод қилинади. Шамол, қуёш энергияси, ер остидан чиқадиган иссиқлик, биологик газ ва тозаловчи газ, биологик масса ҳамда генератор қуввати 10 Мвт гача бўлган гидроэлектростанцияларда ҳосил қилинган гидроэнергия тикланадиган энергия ҳисобланади.

Одатда электр энергиясини етказиб берувчи корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Электр энергиясини етказиб берувчи электр энергиясини ўз истеъмоли учун олган пайтда ёки етказиб берилган электр энергиясини пировард истеъмолчи электр тармоғидан олган пайтда солиқ тўловчига айланади. Бундан ташқари, ўзи истеъмол қилиш учун номинал қуввати 2 Мвтдан ортиқ электр энергиясини ҳосил қилувчи машина-ускунани ишлатиб

энергия ҳосил қилувчи ҳам солиқ тўловчи ҳисобланади. Пировард истеъмолчи электр энергиясини чет эл давлатидан олса ёки тармоқдан ноқонуний олса, у ҳам солиқ тўловчига айланишини қайд этиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида МДХ мамлакатларида бошқа солиқлардан бир қатор ўзига хос фарқлари мавжуд бўлган акцизларга ҳамда ҳар бир мустақил давлатнинг мустақил бозор иқтисодиётини ривожлантириш шароитида ушбу воситадан фойдаланиш имкониятларига қизиқиш яна юзага келди. Кейинги параграфларда мамлакатимизда акциз солиғининг жорий этилиши ва амал қилиш механизми батафсил ёритилган.

2.Боб.Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини амал қилиш жараёни, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.

2.1.Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини жорий қилиниши.

Маъмурий-режали бошқариш пайтида солиқ тизимининг ўзи ҳозирги кўринишда эмас эди. Давлат хўжалик фаолиятини тартибга солишнинг солиқ воситаларига эҳтиёж сезмас эди, чунки барча иқтисодий кўрсаткичларни - иш ҳақи, ишлаб чиқариш ҳажмлари, нархларни қаттиққўллик билан назорат қилар эди. Баъзан ҳар бир алоҳида корхона бўйича белгиланадиган мавжуд мажбурий тўловлар ва солиқлар (даромад, қишлоқ хўжалик, иморат солиқлари ва бошқалар) хўжалик механизмининг марказлаштирилган тизимига киритилган бўлиб, ўзига хос функцияларни бажарар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мустақил давлатлар ичида биринчилардан бўлиб иқтисодиётни йирик миқёсда ислоҳ қилиш, жамиятни тубдан ўзгартиришлар ва янгилаш йўлига ўтди. Ўша даврда миллий солиқ тизимининг барпо этилиши ғоятда муҳим вазифага айланиб, унинг ҳал қилинишига кўп жиҳатдан ёш мустақил давлатнинг тақдири ҳам боғлиқ эди.

1991 йилда республикада бозор муносабатларини шакллантириш шароитида суверен давлат бюджетига тушумларни таъминлашга даъват этилган солиқ солиш тизимини барпо этиш бошланди. Йигирма йил ичида солиқ тизими шундай даражага етишдики, бунга бошқа мамлакатларда узоқ давом этган тарихий шаклланиш мобайнида эришилган эди. Шу давр ичида солиқ қонунчилигининг яхлит тизими ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Унинг асосида бошқаришнинг президентлик шакли, ҳокимиятнинг қонун чиқарув, ижроия ва суд тармоқларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигининг конституциявий принциплари ётади.

Ана шу ўзаро ҳамкорликнинг шакллантирилган ва амалиётда ишлов берилган механизми И.А.Каримовнинг асарларида батафсил таърифлаб берилган. У энг умумий кўринишда қуйидаги чизма бўйича қурилган ва амал қилади.

Солиқ соҳасидаги ислохотларнинг стратегик йўналишлари Президент - республикадаги давлат ва ижроия ҳокимиятининг раҳбари томонидан белгиланади ҳамда унинг фармонлари билан тасдиқланади. Фармонларда қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадли йўналиши, уларни рўёбга чиқариш усуллари белгиланади.

Солиқ муносабатларининг тағ-заминли, барқарор, узоқ муддатли амал қилиш хусусиятига эга меъёр ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида акс эттирилади. Ислохотларнинг чуқурлашиши ва уларни ҳуқуқий таъминлаш тажрибасининг тўпланиши билан Олий Мажлис - қонун чиқарув ҳокимиятини амалга оширадиган олий давлат ваколат органи қонунларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритади. Тамомила янги солиқ қонунчилиги шакллана боргани сайин уни тизимлаштириш ва кодлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Президент фармонларида келтирилган қоидалар ҳукумат қарорларидаги аниқ чора-тадбирлар билан батафсил очиқ берилмоқда ва мустақамланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси - республика ҳукумати - қарорлар қабул қилиш йўли билан солиқ муносабатларини тезкор бошқаришни амалга оширади.

Солиққа тортиш жараёнларига жиддий таъсир қиладиган қарорлар олдиндан оммавий ахборот воситаларида, Олий Мажлис қўмиталарида атрофлича муҳокама қилинади, конструктив қарорларни тайёрлаш пайтида мутахассислар фикрларининг кенг доираси ва тавсиялари эътиборга олинади.

Миллий солиқ тизимининг ривожланишида тўртта асосий босқични ажратиш кўрсатиш мумкин. *Биринчи босқич* 1991-1994 йилларни қамраб олиб, бунда қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилинган эди:

- ўтиш даврига монанд бўлган тамомила янги солиқ ва тўловлар тизимини барпо этиш ва уларни хўжалик амалиётига жорий этиш;

- шаклланаётган иқтисодий вазиятга тезда муносабат билдириш, солиқ қонунчилигига ўзгартиришларни жадаллик билан киритиш;

- бюджет камомоди, инфляция жараёнлари, ишлаб чиқариш хажмларининг таназзули ва зарар кўраётган корхоналар сонининг ўсиши шароитида бюджетнинг даромад қисмини молиявий ресурслар билан таъминлаш;

- молиявий маблағларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, ўз-ўзини стратегик ресурслар билан таъминлашга эришиш, тўб таркибий ўзгартишларни амалга ошириш фойдасига қайта тақсимлаш;

- нархларнинг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитида турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни ушлаб туриш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш соҳасида амалдаги қонунчилик талабларини бажаришни таъминлашга даъват этилган давлат солиқ хизматини мустақил тизим сифатида шакллантириш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг зарурлиги солиқ тизимимизнинг шаклланиши ва фаолиятининг биринчи босқичига хос асосий хусусиятларни белгилаб берди. Бунда солиқларнинг фискал ва қайта тақсимлаш сингари функциялари асосий ўринда турди. Инфляция ва бюджет камомоди шароитида иқтисодий (тартибга солувчи) функция ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида эмас, балки анча тор қисқа муддатли вазифаларни ҳал этиш учун (масалан, хом ашё ресурсларини Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш учун) ишлатилди.

1991-1994 йилларда мамлакатда шаклланган иқтисодий вазиятнинг ўзига хослиги солиқлар таркибида ҳам ўз аксини топди. Унда хом ашё ресурсларини олиб чиқиб кетиш учун солиқ, амортизациядан ажратмалар, корхоналар даромадига солинадиган солиқ сингари анъанавий бўлмаган солиқлар мавжуд эди. Солиқ юкининг асосий қисми юридик шахслар зиммасида бўлиб, хусусий шахсларни солиққа тортиш бир қадар имтиёзли тусда эди.

Бу даврда солиқ тизимига қўйиладиган баъзи анъанавий талаблар: ўзгаришларнинг босқичма-босқичлиги, барқарорлиги, оддийлиги ва солиқ тўловчилар учун тушунарлилиги ҳам амалга оширилиши мумкин эмас эди.

Объектив шарт-шароит барча масалаларни тегишлича амалда ишлаб чиқмасдан ва норматив базани тайёрламасдан, солиқ инспекторлари ҳамда солиқ тўловчиларни ўқитмасдан солиқ тизимига жадаллик билан ўзгартишлар киритишни талаб қилган эди. Чунончи, жорий этилишига ривожланган мамлакатларда уч йилдан етти йилгача вақт талаб қилинган қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистонда бир неча ой ичида жорий этилди. Жуда қисқа муддатлар ичида солиқ тизимига бошқа принципиал ўзгартишлар ҳам киритилди. Бунда юзага келган қийинчиликларни солиқ органлари ходимлари ҳам, солиқ тўловчилар ҳам енгиллашга мажбур бўлдилар.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичига хос зарур вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни чеклаш 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимини ривожлантиришда янги босқичга ўтиш имконини берди.

Иккинчи босқичда (1995-1997 йиллар) у янада барқарорлашди, ундан бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди. Ўз маблағларини янги технологияларга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналар учун кўпдан-кўп имтиёزلарни кўзда тутувчи фойда солиғи жорий қилинди. Солиқлар миқдори қисқартирилди, ҚҚС ставкалари анча камайтирилди. Бир неча даромад манбаларига эга бўлган фуқаролардан даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг декларация шаклини жорий этиш бошланди.

Солиқ тизимини ўзгартишлар асосига корхоналарга нисбатан солиқ юкини камайтириш қўйилди. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида корхоналар учун белгиланган солиқларнинг юқори ставкалари маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни техника билан қайта қурулантиришга, шунингдек айланма маблағларни тўлдиришга етарли даражада йўналтириш имконини бермаган эди.

Солиқ тизимини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи давомида солиқ солишга доир мавжуд қонун ҳужжатлари асосида Ўзбекистон

Республикасининг Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва 1997 йилда қабул қилинди. 2008 йил 1 январгача амалда бўлди.

Солиқ ислохотининг **учинчи босқичи** 1998-2004 йилларни ўз ичига олади. Бу босқични солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Бу босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалашган, ихчамлашган солиқ тизими жорий этилиб, уларнинг солиқ ҳисоблари, ҳисоботларини, солиқ тўлаш муддатлари ихчамлаштирилди.

Ихчамлаштирилган солиқ тўлашга ўтишнинг ҳуқуқий асослари қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони билан 1999 йилдан бошлаб, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар учун ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ўтишни қўллаш тўғрисида”ги қарорига асосан жорий этилди.

Солиқ тизимини ривожлантиришнинг **тўртинчи босқичи** 2005 йилдан бошлаб то ҳозирги вақтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб қувватлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришдаври деб аташ мумкин.

2008 йилдан бошлаб янги Солиқ кодексининг амалга киритилиши, солиқ юкини янада камайтириш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, виждонли солиқ тўловчиларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимояланишини кучайтириш, жиноий ва маъмурий жазоларни эркинлаштириш, самарали солиқ тизими тамойилларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган солиқларнинг асосий турлари жаҳон амалиётида энг кўп тарқалган солиқ тўловларига мувофиқ келади. Бу нарса фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, ер

солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқаларга тааллуқлидир. Турли мамлакатларда уларнинг баъзилари бошқача номланиши мумкин, бу нарса уларнинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Ўзбекистонда қўлланиладиган солиқларни йириклаштирилган тарзда бевосита ва билвосита солиқларга таснифлаш ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиққан. Маълумки, бевосита солиқлар тўғридан-тўғри корхонанинг даромади ёки мол-мулкидан ундирилади, билвосита солиқлар эса товар (ишлар, хизматлар) нархига киритиш йўли билан харидордан ундирилади.

Тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.¹

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олиннадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз тўланадиган товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олиннадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри (билвосита) солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида акцизости товарлари таркиби билан бир қаторда, уларга белгиланаётган солиқ ставкалари ҳам ўзгартириб борилди. Акцизлар,

¹ Пансков В. П., Князев В. Г. Налоги и налогообложение. — М.: МЦФЭР, 2003. - с. 57-59.

бошқа солиқлардан фарқли равишда, мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик субъектларидан эмас, балки хўжалик субъектлари ишлаб чиқараётган айрим товар ва маҳсулотларига нисбатан қўлланилади. Таомилга мувофиқ акциз солиғини тўловчи субъектлар шартли ҳолатда уч гуруҳга бўлинади.

1. Мулк шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида белгиланган акцизоти товарларини ишлаб чиқараётган юридик шахслар;

2. Мулк шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида белгиланган акцизоти товарларини импорт қилаётган юридик шахслар;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида белгиланган акцизоти товарларини белгиланган меъёрдан ортиқ ҳажмда импорт қилаётган жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикасида акциз солиғи ставкалари:

- товар қийматига нисбатан фоизда - *адвалор* ставкада;
- натура кўриниши бўйича ўлчов бирлигига нисбатан абсолют суммада қатъий ставкада мавжуд.

Акциз солиғи ривожланган хорижий давлатларда ҳам давлатнинг умум солиқ сиёсатида муҳим ўрин эгаллаб келмокда. Республикамизда қўлланилаётган акциз солиғи чет давлатлардаги акциз солиғи билан ўхшаш томонларга, шу жумладан ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Солиққа тортиш объекти бўлиб, белгиланган ставкадаги акциз солиғи суммасини ўз ичига олган акциз ости товарларининг сотиш (шартномавий) нархи ҳисобланади. Акциз ставкасининг бундай тартибда ўрнатилиш механизми тарихий шаклланиб, ўзини доимо оқлаб келган. У муайян психологик мазмунга ҳам эга, яъни у 100 фоиздан кам бўлган ставкада шартномавий сотиш нархидан 4-5 марта кўп бўлган акциз солиғи суммасини олиш имкониятини беради. Демак, акциз солиғи корхона маҳсулотлари ва хизматлари баҳоси устига ёки тарифига устама шаклда тўғридан тўғри киритилувчи эгри солиқ тури тушунилади. Акцизлар сотилаётган маҳсулот

ёки хизматлар баҳоси устига устама шаклида қуйилади ва уларнинг пировард тўловчиси бўлади истеъмолчи ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълум бўладики, солиққа тортишнинг акцизли шакли кенг халқ оммаси истеъмолидаги оммавий товарларни солиққа тортиш жараёнидагина самара бериши мумкин бўлган.

2002-2010 йиллар мобайнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи камайиш тенденциясига эга бўлишига қарамай, мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллаптиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

(1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатлари ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини, бюджет даромадларини узлуксиз таъминлашни тақозо қилади. Чунки қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари таркибида эгри солиқларнинг ўрни² (фоизда)

1-жадвал

	Кўрсаткичлар	Йиллар									2010 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	
	Давлат бюджети даромадлари жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	X
	Эгри солиқлар	54,6	57,8	56,0	46,4	47,0	47,4	50,2	49,5	53,2	-1,4
	Шу жумладан, акциз солиғи	22,8	29,7	27,0	17,5	15,6	12,6	16,5	14,4	16,7	-6,1

² «Ўзбекистон иқтисодиёти» 2010 йил. Ахборот ва таҳлилий шарҳлар. —Тошкент, 2010, 22-6.

Акциз солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида 2002 йилда 22,8 фоизни, 2003 йилда 29,7 фоизни, 2004 йилда 27,0 фоизни, 2005 йилда 17,5 фоизни, 2006 йилда 15,6 фоизни, 2007 йилда 12,6 фоизни, 2008 йилда 16,5 фоизни, 2009 йилда 14,4 фоизни, ташкил этгани ҳолда 2010 йилги давлат бюджети даромадларида унинг улуши 16,7 фоизни ташкил этган.

Акциз солиғи улушининг давлат бюджети даромадлари таркибида пасайиш тенденциясига эга эканлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 390-сон қарорига асосан республикада ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, биллурдан қилинган маҳсулотлар, мебель, видео ва аудиоаппаратура ҳамда кумушдан ясалган пичоқ ва санчқиларга ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбар-дош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабрга қадар ўз ихтиёрларида қолдириладиган бўлди. Шунинг ҳисобига ҳозирги вақтда акциз солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи ва ЯИМга нисбатан улуши 2003-2007 йилларда камайиб борган. Акциз солиғи республика бюджетининг даромадлар қисмига тўлиқ келиб тушади ва унинг солиқ юки истеъмолчилар зиммасида бўлади.

2010 йилда республика бюджети даромадларида жами эгри солиқларнинг салмоғи 53,2 фоизни ташкил этиб, давлат бюджетига қарийб 7трлн. миқдорида соливлар келиб тушган. Жами эгри солиқларнинг 57,2 фоизи ҳамон ҚҚС зиммасига тўғри келмоқда. Ушбу йилда давлат бюджетига 2,19

трлн. сўм акциз солиғи ундирилиб, бу ўз навбатида жами эгри солиқларнинг 31,4 фоизини ташкил этган. (2-жадвал)

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
даромадларида эгри солиқларнинг салмоғи.³**

2 –жадвал

		млн.сўм	Жамига нисбатан % ҳисобида
1	I.Давлат мақсадли фондларидан ташқари даромадлар - ҳаммаси.	13116396,9	100,0
2	2.Эгри солиқлар.	6 973 809,5	53,2
	Шу жумаладан эгри солиқлардаги салмоғи	млн.сўм	Жамига эгри солиқларга нисбатан % ҳисобида
2.1	Қўшилган қиймат солиғи.	3 987 982,3	57,2
2.2	Акциз солиғи.	2 191 092,1	31,4
2.3	Ташқи савдо бож.	479 267,2	6,9
2.4	Жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови.		
2.5	Транспорт воситаларида фойдаладиган бинзин, дизел ёқилғиси, газ учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ.	315 467,9	4,5

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот материаллари. 2011 йил.

Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети даромадларида эгри солиқлар, шу жумладан акциз солиғининг салмоғини Иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда 2010 йилда маҳаллий бюджетга солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлардан ҳақиқатда 280940,4 млн. сўм келиб тушган. Бу эса 2009 йилга нисбатан 42,1% га кўпдир. Ўтган йилда жами келиб тушган маблағларнинг 40,2 фоизи тўғри солиқлардан, 42 фоизи эса эгри солиқлардан, 17,8 фоизи эса ресурс тўловлари ва мулк солиғидан келиб тушган. Ушбулардан кўриниб турибдики вилоят бюджети даромадларининг шаклланишида ҳам эгри солиқларнинг улуши юқори бўлмоқда. 2010 йилда Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетига ҳақиқатда 117959,2 млн. сўм солиқ тушумлари эгри солиқлардан келиб тушиб, ўтган йилга нисбатан 55,3 фоиз кўп демакдир. Маблағларнинг 84679,3 млн. сўми қўшилган қиймат солиғи, 16453,2 млн. сўми акциз солиғи ҳиссасига тўғри келган. (3-жадвалга қаранг.)

Жами келиб тушган эгри солиқларни 100 фоиз деб олсак, шунинг 71,8 фоизи қўшилган қиймат солиғидан, 13,9 фоизи акциз солиғидан келиб тушган. 2009 йида жами тушумларда акциз солиғининг салмоғи 14,6 фоизни ташкил этган. Демак жами тушумларда акциз солиғининг улуши 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 0,7 пунктга камайишини кузатишимиз мумкин. Буни жами тушумларда эгри солиқларнинг таркибида ҚҚСни ўсиши билан изоҳлашимиз мумкин.(4-жадвалга қаранг.)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ⁴

3-жадвал

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да
				прогноз	ҳақиқатда	
1	Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар тушуми	млн.сўм	197644,0	277305,1	280940,4	142,1
1.1.	<i>Тўғри солиқлар – жами</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>87341,5</i>	<i>112430,3</i>	<i>113110,6</i>	<i>129,5</i>
	<i>шу жумлада жамига нисбатан:</i>	%	<i>44,2</i>	<i>40,5</i>	<i>40,2</i>	
1.2.	<i>Эгри солиқлар – жами</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>75945,1</i>	<i>114490,9</i>	<i>117959,2</i>	<i>155,3</i>
	<i>шу жумладан жамига нисбатан:</i>	%	<i>38,4</i>	<i>41,3</i>	<i>42,0</i>	
	- қўшилган қиймат солиғи	млн.сўм	52503,6	82500,3	84679,3	161,3
	- акциз солиғи	млн.сўм	11125,6	14901,8	16453,2	147,9
	- давлат божи	млн.сўм	2318,8	3788,8	4333,3	186,9
	- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	млн.сўм	9997,1	13300,0	12493,4	125,0
1.3.	<i>Жами ресурс тўловлари ва мулк солиғи</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>34357,4</i>	<i>50383,9</i>	<i>49870,6</i>	<i>145,2</i>
	<i>шу жумладан жамига нисбатан:</i>	%	<i>17,4</i>	<i>18,2</i>	<i>17,8</i>	

⁴ Сурхондарё вилояти Иқтисодиёт бошқармасининг 2010 йилги якуний ҳисоботи материаллари.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ САЛМОҒИ. ⁵**

4-жадвал

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан Фарқ (+;-)
				прогноз	ҳақиқатда	
1.	Эгри солиқлар – жами	млн.сўм	75945,1	114490,9	117959,2	
	шу жумладан жами:	%	100	100	100	
1.1.	- қўшилган қиймат солиғи	%	69,1	72,0	71,8	2,7
1.2.	- акциз солиғи	%	14,6	13,0	13,9	-0,7
1.3.	- давлат божи	%	3,5	3,3	3,7	0,2
1.4.	- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	%	13,1	11,7	10,6	-2,5

⁵ Сурхондарё вилояти Иқтисодиёт бошқармасининг 2010 йилги якуний ҳисоботи материаллари.

2.2.Акциз солиғини тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари.

Солиқ кодексининг VIII бўлими 229-241-моддаларида акциз солиғини тўловчилар ва солиқни ундириш тамойиллари мустаҳкамланган. Акциз солиғини тўловчилар бўлиб, мулк шаклидан ва солиқ солишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар, акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериғи акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида корхоналар тушунилади.

Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона

режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан ҳайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акциз тўланадиган товарлар олувчига жўнатилган (топширилган) кун, бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган сана ҳисобланади.

Гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарлар гаровга қўювчи томонидан топширилган тақдирда, гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ҳисобланади.

Импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилган сана уларга доир операция амалга оширилган сана ҳисобланади.

Акциз тўланадиган товарлар учун солиқ солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (катъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

Солиқ солинадиган базага қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчида тузатиш киритилади:

товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

битим шартлари ўзгартирилганда;
баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

Солиқ солинадиган базага тузатишни киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш янги ҳисобварақ-фактура ёки кўрсатилган ҳол юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинadиган даромадга тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

—акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар, филтрли ва филтрсиз сигареталар, нефть маҳсулотлари (бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин) бўйича — сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

—акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, табиий газ, суюлтирилган газ, «ЎзДЭУавто» акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қийматига фоиз ҳисобида.

Акциз солиғи ставкалари ва акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

2011 йилда акциз тўланадиган товарларга белгиланган солиқ ставкалари қуйидагилардан иборат: (5-жадвал)

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акциз
солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи
ставкалари⁶**

5-жадвал

<i>Товарлар номи</i>	<i>Солиқ ставкаси</i>	
	<i>акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматида нисбатан фоизларда</i>	<i>бир ўлчов бирлигига сўмда</i>
1. Этил спирти (1 дал учун)		2 292
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун)(1)		4 744
3. Коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)(1)		18 956*
4. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)(1)		2 156
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун)(1):		
озик-овқат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва “Ўзбекистон” ёғидан ташқари)		657 900
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		361 900
6. Сигареталар (1 минг дона учун)(1):		
филтрли		8 949
филтрсиз, папирослар		4 319
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар(2)	29	
9. Қумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар(2)		
11. Нефть маҳсулотлари(1):		
Аи-80 бензини	40%, бироқ камида 292 250 сўм/тонна	
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини	40%, бироқ камида 321 300 сўм/тонна	
Аи-95 бензини	40%, бироқ камида 371 750 сўм/тонна	
дизель ёқилғиси	34%, бироқ камида 248 550 сўм/тонна	
ЭКО дизель ёқилғиси	34%, бироқ камида 258 500 сўм/тонна	
авиакеросин	9%, бироқ камида 43 350 сўм/тонна	
12. Табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан экспорт(2)	25	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (“Ўзтрансгаз” АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт(2)	26	
14. Пахта толаси(3)		

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарори.

*) Ҳажмий улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк, ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 31 236 сўм миқдорида белгиланади.

Изоҳлар:

1. Бир ўлчов бирлигига сўмда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. “Женерал Моторс Ўзбекистон” ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек қимматбаҳо металлларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Пахта толасининг ички нархлари (реализация бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва уни реализация қилишнинг ҳақиқий нархи ўртасидаги ижобий фарқ пахта тозалаш корхоналарининг махсус ҳисобрақамида жамланади ва 25 фоизгача бўлган миқдорда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ кредиторлик қарзини сўндириш учун пахтачилик фермер хўжаликларига, 25 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармасининг кредитлари бўйича қарзларни сўндиришга, қолган қисми эса – мазкур Жамғарманинг оборот маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган
акцизли товарларга акциз солиғи ставкалари⁷**

6-жадвал

<i>Товар гуруҳи- нинг рақами</i>	<i>Товарларнинг номи</i>	<i>ТИФ ТН бўйича товар коди</i>	<i>Товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки ўлчов бирлиги учун АҚШ долларида</i>
02	Янги сўйилган, совутилган ёки музлатилган гўшт ва истеъмолбоп гўштли қўшимча маҳсулотлар	0201 - 0206, 0208 0207	30 70
04	Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин қилувчи моддалар қўшилган сут ва сливклар	0402 91, 0402 99	30
	Айрон, ивиган сут ва сливклар, йогурт, кефир	0403	70
	Пишлоқ ва творог	0406	70
	Паррандалар (наследорларидан ташқари) тухуми	0407 00	70
	Табиий асал	0409 00 000 0	10
08	Янги узилган банан, плантаиндан ташқари	0803 00 190 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган ананас	0804 30 000 1	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Авокадо	0804 40 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган гуаява, манго ва мангостан (гарциния)	0804 50 000 1	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Апельсин	0805 10	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Мандарин (шу жумладан танжерин ва сатсума); клементин, вилкинг ва цитруслиларнинг шунга ўхшаш гибридлари, янги узилган ёки қурилганлари	0805 20	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Грейпфрут, шу жумладан помело, янги узилган ёки қурилганлари	0805 40 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Лимон (citrus limon, citrus limonum), янги узилган ёки қурилганлари	0805 50 100 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Янги узилган олма, нок ва беҳи	0808	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
	Киви	0810 50 000 0	25, бироқ 0,15 АҚШ долл./кг
09	Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе; кофе пўчоғи ва кофе уруғи қобиклари; таркибида турли нисбатда кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар	0901	20
11	Бугдой уни	1101 00 1100 1101 00 1500	15
15	Соя мойи ва унинг фракциялари	1507	10
	Маргарин	1517	20
16	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёрланган колбаса ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	1601 00	50
	Гўшт ва гўштли қўшимча маҳсулотлардан тайёр ва консерваланган маҳсулотлар, болалар	1602 (1602 10 001 0 дан ташқари)	50

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарори.

Мазкур Ставкаларга ЎЗР Президентининг 25.04.2011 й. ПҚ-1522-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

	овқатидан ташқари		
	Тайёр ёки консерваланган балиқ; тайёр ёки консерваланган қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сувда яшайдиган умуртқасизлар	1604 (1604 30 дан ташқари), 1605	30
	Осёр увилдириғи, увилдириқ ўрнини босувчилар	1604 30	50
17	Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавлагидан тайёрланган шакар ва кимёвий тоза сахароза	1701 91 000, 1701 99	10
	Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан оқ шоколад)	1704 (1704 10 дан ташқари)	50
	Шакар билан қопланган ёки қопланмаган резинка сақич	1704 10	100
18	Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1806 20 - 1806 90	30
19	Бошқоқли ўсимликлар донлари, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1901 -1904 (1901 10 000 0, 1901 90 990 0*дан ташқари)	20
	Таркибида какао бўлмаган ёки бўлган, ундан тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари	1905	50
20	Сабзавот, мева, ёнғоқ ёки бошқа ўсимлик қисмларининг қайта ишланган маҳсулотлари	2001 (2001 90 910 0 дан ташқари), 2002, 2004, 2005 (2005 10 001 0 дан ташқари), 2006 00 (2006 00 350 0, 2006 00 910 0 дан ташқари), 2007 (2007 10 101 0, 2007 10 911 0, 2007 10 991 0, 2007 99 930 0 дан ташқари)	30
	Мева ва сабзавот шарбатлари (ананас ва цитрус мевалар шарбатидан ташқари)	2009 (2009 11 - 2009 49, 2009 90 410, 2009 90 490, 2009 90 710 0, 2009 90 730 0, 2009 90 790 0 дан ташқари)	70%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларида кам эмас
21	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар овқатидан ташқари	21 (2104 20 0010, 2105 00, 2106 90 980 1 дан ташқари)	50
	Музқаймоқ ва бошқа турдаги истеъмолга яроқли муз	2105 00	200
	Шакар қўшилмаган сақич	2106 90 980 1	100
22	Сув, шу жумладан табиий ёки сунъий маъданли, газланган, қўшимча қўшилган ёки шакар ёки бошқа ширин қилувчи ёхуд хушбўй ҳид ва таъм берадиган моддалар қўшилмаган сувлар; муз ва қор ҳамда бошқа алкогольсиз ичимликлар, 2009-товар позициясидаги мева ёки сабзавот шарбатларидан ташқари	2201, 2202	100%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларида кам эмас
	Солод (ширинмия) пивоси	2203 00	70%, бироқ бир литр учун 1,0 АҚШ долларида кам эмас
	Вино	2204 10, 2204 21, 2204 29, 2205	бир литр учун 6,0 АҚШ долл.
	Ачитқи билан тайёрланадиган бошқа ичимликлар; ачитқи билан тайёрланадиган ҳамда алкогольсиз ичимликлар аралашмалари; спирт концентрацияси 80% ҳажмдан кам бўлган денатурланмаган этил	2206 00, 2208, 2208 60, 2208 90	бир литр учун 7,0 АҚШ долл.

	спирти; ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар, қуйидагилардан ташқари:		
	Этил спирти (ставка фақат транзит пайтида гаров тўловларини ҳисоблаш учун қўлланилади)	2207	65
	Коньяк	2208 20 120 0, 2208 20 620 0	бир литр учун 14,5 АҚШ долл.
23	Мушуклар ва итлар учун озик, чакана сотиш учун қадоқланган; ҳайвонларни боқишда ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар	2309 10, 2309 90	70
24	Сигаралар, кесма учли сигаралар, таркибида тамаки бўлган сигариллалар	2402 10 000 0	1 дона учун 0,3 АҚШ долл.
	Тамаки ёки унинг ўрнини босувчилардан тайёрланган сигареталар	2402 20, 2402 90 000 0	1 000 дона учун 10 АҚШ долл.
25	Блокларга бошқа усул билан арраланган ва бўлинган ишлов берилмаган мрамор, травертин ёки тўғри бурчак шаклли плиталар (квадратлиги ҳам киради)	2515 11 000 0, 2515 12	20
	Гипс; ангидрит; қурилиш учун ва бошқа сувоқлар	2520	30
27	Битуминоз жинслардан олинган нефть ва нефть маҳсулотлари, қуйидагилардан ташқари:	2710	20
	енгил дистиллятлар	2710 11	30
	ўртача ва оғир дистиллятлар	2710 19	30
28	Динатрий карбонати	2836 20 000 0	30
30	Момиқ пахта, дока, бинт ва шу каби маҳсулотлар...	3005 90	30
32	Дисперсияланган ёки сувли ва сувсиз муҳитда эриган синтетик полимерлар ёки кимёвий бириккан табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар (эмал, политура ва елим бўёқлари билан бирга)...; териға ишлов беришда ишлатиладиган тайёр сув пигментлари	3208, 3209, 3210 00	30
	Ойнаға ва боғларда ишлатиладиган замазкалар, қатронли цементлар, зичлашда фойдаланиладиган таркиблар ва бошқа мастикалар, бўёқчиликда ишлатиладиган шпатлёвкалар	3214	30
33	Парфюмерия, косметика ёки пардоз воситалари	3303 00, 3304	50
		3305-3307 (3306 10 000 0 дан ташқари)	15
34	Совунлар (кумок-кумок совундан ташқари); юзаға фаол таъсир кўрсатувчи органик воситалар, кир ювиш воситалари, сунъий ва тайёр мумлар, тозалаш ва жилолаш учун таркиблар, шам ва шунға ўхшаш маҳсулотлар, ёпиштириш учун пасталар, пластилин, "тиш шифокори қўллайдиган мум" ва гипс асосидаги тишни даволаш воситалари	3401 (3401 20 100 0 дан ташқари), 3402 (3402 11 900 0, 3402 12000 0, 3402 13000 0, 3402 19000 0 дан ташқари), 3404 - 3407 00 000 0	20
	Мойлаш материаллари	3403 (3403 91 000 0 дан ташқари)	30
36	Фейерверклар, сигнал ракеталари, ёмғир ёғдирув ракеталари, туманға қарши сигналлар ва бошқа пиротехник буюмлар	3604	20
	Гугурт	3605 00 000 0	30
38	Гидравлик тормоз суюқликлари, антифризлар ва музлашға қарши тайёр суюқликлар	3819 00 000 0 - 3820 00 000 0	10

39	Поливинилхлориддан тайёрланган чивиклар, стерженлар ва профиллар	3916 20 100 0	30
	Бошқа труба, этилен полимерида тайёрланган қаттиқ труба ва шланглар	3917 21900 0	10
	Бошқа труба, пропилен полимерида тайёрланган қаттиқ труба ва шланглар	3917 22900 0	10
	Бошқа труба, винилхлорид полимерида тайёрланган қаттиқ труба ва шланглар	3917 23900 0	10
	Бошқа, армировка қилинмаган ёки бошқа материаллар билан аралашмаган, винилхлорид полимерида тайёрланган фитингларсиз	3917 32350 0	10
	Фитинглар	3917 40 000 0	10
	Пластмассада тайёрланган пол қопламалари, шунингдек ташиш ва қадоклаш учун жиҳозлар	3918, 3923	10
	Плиталар, листлар, плёнка ва полосалар ёки пластмассада тайёрланган ленталар, бошқалар	3921	20
	Ванналар, душлар, чиғаноклар ва худди шундай санитар-техник жиҳозлар, пластмассада тайёрланган	3922	30
	Этилен полимерларида тайёрланган қоплар ва сумкалар	3923 21000 0	30
	Бошқа пластмассаларда тайёрланган қоплар ва сумкалар	3923 29**	20
	Ошхона идишлари ва пластмассада тайёрланган уй-жиҳоз буюмлари, қуйидагилардан ташқари:	3924	20
	ошхона ва тамаддихона идишлари	3924 10000 0, 3924 90900 0	50
	Пластмассада тайёрланган қурилиш ускуналари, ...	3925	30
40	Балата, гуттаперча, гваяла, чикл ва шунга ўхшаш табиий қатронлар	4001 30 000 0	40
	Бошланғич шаклдаги ёки пластиналар, листлар ёки полосалар ёхуд тасмалар қўринишидаги вулканизацияланмаган резина аралашмаси	4005 (4005 20 000 0 дан ташқари)	25
	Пневматик резинали янги шина ва покришқалар	4011	10
	Пневматик резинали шина ва покришқалар, таъмирланганлари ёки ишлатилганлари; сидирға ёки ярим пневматик шина ва покришқалар, шина протекторлари ва резинали чамбарак тасмалар	4012	20
	Девонхона ўчирғичи	4016 92 000 0	15
42	Чармдан тайёрланган буюмлар: қайиш-эгар буюмлари, йўл анжомлари, аёллар сумкалари ва шунга ўхшаш товарлар, шунингдек табиий чарм ёки композицион чармдан кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар	4201 00 000 0 - 4203, 4205 00 900 0	20
43	Табиий ва сунъий мўйнадан тайёрланган кийим унсурлари, кийимга қўшимчалар ва бошқа буюмлар	4303, 4304 00 000 0	25
44	Усти меламин қатрони билан тўйинтирилган қоғоз билан қопланган плиталар	4410 (4410 11 000 1 дан ташқари)	30
	Ёғочдан тайёрланган бошқа буюмлар	4421 (гугурт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган гугурт чўпидан ташқари)	30
48	Қоғоз ёки картондан тайёрланган, қоғоз ёзув-чизув анжомлари тўпламларидан иборат ёзув-чизув моллари	4817, 4820 10 (4820 10 500 0), 4820 30 000 0, 4820 40, 4820 50 000 0	15
49	Босма ҳарфли ёки суратли почта оқритқалари; ёзма ҳарфларда табриқлар, мактублар ёки	4909 00, 4910 00 000 0	15

	хабарлар берилган карточкалар; барча турдаги босма, шу жумладан йиртма календарлар		
50	Ипак иплар ёки ипак чиқиндиларидан тайёрланган газламалар	5007	20
51	Чакана сотиш учун қадоқланган ҳайвонлар жуни ёки ингичка қилидан эшилган жун калава	5109	10
52	Пахта толаси, пахта толасининг чиқиндилари, иплар ва ип калавалар	5201 00 - 5206	10
	Чакана сотиш учун қадоқланган ип калава	5207	30
	200 г/кв.м дан катта юзали, 85 мас.% ёки ундан ортиқ бўлган таркибли ип-газламалар	5208	10
	Ип газламалар	5209-5212	30
56	Момик пахта, намат ёки фетр ва нотўқима материаллар; махсус калава; тизимча, чилвир, аркон ва трослар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар	5601 - 5609 00 000 0	20
57	Гиламлар ва полга тўшаладиган бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	5701 - 5705 00	120
58	Махсус матолар; тафтинг тўқимачилик материаллари; тўрлар; гобеленлар; безак материаллари; кашталар	5801 - 5811 00 000 0	20
59	Линолеум	5904 10 000 0	10
60	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж полотно	6001 - 6006	20
61	Кийим предметлари ва трикотаж кийимга тегишли қисмлар, машинада ва қўлда тўқилган	6101-6109, 6112-6117 (6117 80100 1 дан ташқари)	30
	Свитерлар, пуловерлар, кардиганлар, жилетлар ва шунга ўхшаш машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж буюмлар	6110	10
	Қўлларида лимфатомирли етишмовчилиги бўлган беморлар учун энглар	6117 80100 1	10
62	Кийим предметлари ва кийимга тегишли қисмлар, машинада ёки қўлда тўқилган трикотаждан ташқари	6201-6208, 6210-6211, 6213-6217	50
	Бюстгалтерлар, белбоғлар, корсетлар, подтяжкалар, боғламалар ва шунга ўхшаш буюмлар ҳамда уларнинг машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж қисмлари ёки нотрикотаж қисмлари	6212	30
63	Бошқа тайёр тўқимачилик маҳсулотлари; тўпламлар; кийилган кийимлар ва тўқимачилик маҳсулотлари, латга-путта	6301 - 6310	50
67	Сунъий гуллар, барглари ва мевалар ҳамда уларнинг қисмлари; сунъий гуллар, барглари ва мевалардан ясалган буюмлар	6702	70
68	Тош, сланец, слюда ёки шунга ўхшаш материаллардан ясалган буюмлар	6801 00 000 0 - 6803 00, 6805 - 6808 00 000 0, 6815	20
	Гипс ёки унинг асосида қоришмалардан, цемент, бетон, асбоцемент, целлюлоза толали цементдан тайёрланган маҳсулотлар	6809-6811	50
69	Тўшаш учун плиталар, пол, печка, камин ёки деворлар учун сирланмаган, сирланган сопол қоплама плиткалар	6907-6908	50
	Чиннидан ясалган ошхона идиш-товуқлари, ҳайкалчапар ҳамда чинни ва сополдан ясалган бошқа буюмлар	6911 - 6914	30
70	Қуйилган ва прокатланган чўзилган ва пуфланган, лекин бирорта усул билан ишлов берилмаган шиша; арматураланмаган бошқа... ойна, хавфсиз	7003, 7004, 7005 29 250 0, 7005 29 350 0,	40

	ойна, шу жумладан мустаҳкамланган (тобланган) ёки кўп қатламли ойна	7005 29 800 0	
	Хавфсиз ойна, шу жумладан мустаҳкамланган ойна	7007 11 100, 7007 19 200 0	30
	Бутиллар, шишалар, флаконлар, кўзалар, туваклар, банкалар, ампулалар ва бошқа шиша идишлар	7010	30
	Ошхона ва тамаддихона идиш-товоқлари; шишали, пардоз ва ёзув-чизув анжомлари, шиша буюмлар...	7013	30
71	Қимматбаҳо металллардан ёки қимматбаҳо металллар қопланган металллардан ясалган заргарлик буюмлари ва уларнинг қисмлари	7113	140
	Заргарлар ясаган тилла ёки кумуш буюмлар ва уларнинг қисмлари; табиий ёки етиштирилган марвариддан ясалган буюмлар	7114, 7116	90
	Жўн тақинчоклар	7117	50
72	Чуқур жойи, бўртмаси, увати ёки бетонни арматуралаш учун фойдаланиладиган эритиш жараёнида пайдо бўлган бошқа деформацияларга эга бўлган темир ёки легирланмаган пўлатдан эркин букилган ҳолатларда иссиқ ҳолатда жўваланган чивиклар	7213 10 000 0, 7213 91 100 0	40
	Чуқур жойи, бўртмаси, увати ёки эритиш жараёнида пайдо бўлган бошқа деформацияларга эга бўлган ёки бетонни арматуралаш учун фойдаланиладиган эритишдан сўнг эгилган, темир ёки легирланмаган пўлатдан тайёрланган чивиклар	7214 20 000 0, 7214 99 100 0	40
	Темир ёки легирланмаган пўлатдан тайёрланган симлар	7217 (7217 10 100 0, 7217 20 100 0, 7217 20 900 0, 7217 30 490 0, 7217 90 200 0 дан ташқари)	40
73	Қора металллардан тиканли сим; қора металллардан тўсиқлар учун эгилган ғилдирак пўлат ёки биргина ясси сим, тиканли ёки тикансиз, эркин эгилган икки қаватли сим	7313 00 000 0	50
	Бошқа коррозияга чидамли тўқима мато	7314 14 000 0	40
	Қора металллардан бошқа тўқималар, панжаралар, тўрлар ва тўсиқлар	7314 49 000 0	40
	Қора металллардан михлар, кнопкалар, чизма кнопкалари, рифелланган михлар, исканжалар ва шунга ўхшаш буюмлар, бошқа металллардан каллакли ёки каллаксизлари, мис каллакли буюмлардан ташқари	7317 00 (7317 00 100 0, 7317 00 400 0, 7317 00 900 1 дан ташқари)	30
	Ошхона, тамаддихона буюмлари ёки бошқа маиший эҳтиёжлар учун буюмлар ва уларнинг қисмлари, қора металлдан тайёрланган; ...қуйидагилардан ташқари:	7323-7324 (фуқаролик авиациясида фойдаланиладиганларидан ташқари)	20
	тамаддихона ва бошқа маиший эҳтиёжлар учун буюмлар ва уларнинг қисмлари, қора металлдан тайёрланган (чўян қуймасидан ташқари), эмалланган	7323 94900 0	30
74	Тозаланган мисдан қалинлиги 0,15 мм дан ортиқ бўлган плиталар, листлар, полосалар, бошқа буюмлар	7409 11 000 0, 7409 19 000 0	30
	Мисдан ясалган ошхона ва тамаддихона буюмлари	7418 19	30
76	Алюминийдан ясалган ошхона ва тамаддихона	7615 19	20

	буюмлари		
82	Ошхона анжомлари, пичоқлар, қошиқлар, санчқилар ва қимматбаҳо бўлмаган металлдан тайёрланган, шу жумладан қимматбаҳо металл билан қопланган бошқа буюмлар	8211, 8215	20
84	Ҳаво ҳарорати ва намлигини ўзгартириш учун двигатель ва приборлар билан ўрнатилган ҳаво ҳароратини бир хилда сақлаш учун ишлатиладиган қурилмалар	8415 (8415 81001 0, 8415 82000 1, 8415 83000 1, 8415 90000 2 дан ташқари)	20
	Алоҳида ташки эшиклари бўлган бирлаштирилган совуткич-музхоналар	8418 10 (фуқаролик авиациясида фойдаланиладиганларидан ташқари)	30
	Маиший совуткичлар	8418 21 - 8418 29 000 0	30
	Вертикал ҳолатдаги музлаткич жавонлар, ҳажми 900 литрдан кўп эмас	8418 40 (фуқаролик авиациясида фойдаланиладиганларидан ташқари)	30
85	Электр аккумуляторлар	8507 10 410 9, 8507 10 490 9, 8507 10 920 2, 8507 10 920 9	30
		8507 10 980 9	45
	Магнитофонлар ва бошқа овоз ёзиш аппаратлари, видеоёзув ёки видео ҳосил қилув аппаратлари, радиоприёмникли чўнтак кассетали плеерлар	8519 50 000 0, 8519 81 500 0 - 8519 81 900 0, 8521 (фуқаролик авиациясида фойдаланиладиганларидан ташқари), 8527 12, 8527 13, 8527 19 000 0, 8527 21, 8527 29 000 9, 8527 91, 8527 92, 8527 99 000 0	45
	Телевизион алоқа учун қабул қилув аппаратлари	8528 72	60
	Изоляцияланган симлар, коаксиал кабеллар ва бошқа электр ўтказгичлар	8544 11 - 8544 49, 8544 60	50
87	Ҳайдовчи билан бирга 10 ёки ундан кўп кишини ташишга мўлжалланган, двигателининг ҳажми қуйидагича бўлган автомобиллар:		
	2 500 куб см дан ортиқ, янги, 30 кишигача ўтириш жойлари бўлган	8702 10 119 0	70
	2 500 куб. см дан ортиқ, илгари фойдаланилган	8702 10 19	70%+3,0 АҚШ долл./куб. см
	2 500 куб. см дан ортиқ бўлмаган, илгари фойдаланилган	8702 10 19	70%+3,0 АҚШ долл./куб. см
	Россия Федерациясида ишлаб чиқариладиган ва олиб келинадиган янги транспорт воситалари (тиббий мақсадлар учун махсус мўлжалланганлари бундан мустасно)	8703	5
	Двигателининг ҳажми қуйидагича бўлган, ички ёнув двигателига эга транспорт воситалари (шу жумладан ишлатилганлари):		
	1 000 куб см дан кўп эмас:		
	Янгилари	8703 21 10 (8703 21 101 0, 8703 21 901 0 дан ташқари)***	2,4 АҚШ долл./куб. см
	Ишлатилганлари (чиқарилганига уч йилдан етти йилгача бўлган)	8703 21 909 9	4,8 АҚШ долл./куб. см

	Ишлатилганлари (чиқарилганига етти йил ва ундан ортиқ бўлган)	8703 21 909 1	7,2 АҚШ долл. /куб. см
	1 000 куб см дан ортиқ, лекин 1 500 куб см дан кўп эмас	8703 22 (8703 22 101 0, 8703 22 901 0 дан ташқари)	2,5 АҚШ долл. /куб. см
	1 500 куб см дан ортиқ, лекин 1 800 куб см дан кўп эмас	8703 23 (8703 23 199 0, 8703 23 909 0 дан ташқари)	2,6 АҚШ долл. /куб. см
	1 800 куб см дан ортиқ, лекин 3 000 куб см дан кам	8703 23 (8703 23 199 0, 8703 23 909 0)	2,9 АҚШ долл./куб. см
	3 000 куб см дан юқори	8703 24 (8703 24 101 0, 8703 24 901 0 дан ташқари)	3,1 АҚШ долл. /куб. см
	Поршенли ички ёнув двигателига эга бўлган, сикилганда ўзи алангаланиб ўт оладиган (дизель ёки ярим дизель билан) транспорт воситалари (шу жумладан ишлатилганлари):		
	1 500 куб см дан ошмайдиган	8703 31 (8703 31 101 0, 8703 31 901 0 дан ташқари)	2,5 АҚШ долл. /куб. см
	1 500 куб см дан ортиқ, лекин 2 500 куб см дан ошмайдиган	8703 32 (8703 32 191 0, 8703 32 901 0 дан ташқари)	2,9 АҚШ долл. /куб. см
	2 500 куб см дан ортиқ	8703 33 (8703 33 191 0, 8703 33 901 0 дан ташқари)	3,1 АҚШ долл. /куб. см
	Двигателининг ҳажми қуйидагича бўлган юк автомобиллари:		
	2 500 куб см дан ортиқ, янги, 10 тоннадан кўп бўлмаган юк кўтарадиган	8704 21 310 0	70
	2 500 куб см дан ортиқ, илгари фойдаланилган	8704 21 390	70%+3,0 АҚШ долл. /куб см
	2 500 куб см дан ортиқ бўлмаган, илгари фойдаланилган	8704 21 990	70%+3,0 АҚШ долл. /куб см
	2 800 куб см дан ортиқ бўлмаган, илгари фойдаланилган	8704 31 990	70%+3,0 АҚШ долл. /куб см
	8702, 8704 товар позицияларида таснифланадиган автомобиллар учун ўрнатилган двигателли шассилар	8706 00 11 (8706 00 111 0 дан ташқари)	70
	8701-8705 товар позицияларидаги моторли транспорт воситаларининг қисмлари ва анжомлари	8708 (8708 10, 8708 29 900 0, 8708 40 200 1, 8708 40 500 0, 8708 50 300 0, 8708 50 500 0, 8708 50 700 0, 8708 70 500 0, 8708 70 910 0, 8708 70 990 0, 8708 91 300 0, 8708 92 300 0, 8708 93 900 0, 8708 93 900 9 дан ташқари)	20
90	Қуёшдан ھимоя қилувчи кўзойнақлар	9004 10	30
91	Барча турдаги соатлар	9101-9105	5
94	Мебель	9401 30 - 9401 80 000 0, 9403 10 - 9403 89 000 0 (фукаролик авиациясида ишлатиладиганларидан ташқари)	50
	Қандиллар, ёритиш ускуналари	9405 10, 9405 91	30

		(9405 91900 1 дан ташқари), 9405 92000 9	
95	Кўнгилочар товарлар, стол устида ёки хона ичида ўйналадиган ўйинлар, шу жумладан пинбол ўйини учун столлар, казино ўйинлари учун махсус столлар ва кегельбан учун автомат жиҳозлар	9504 (9504 20 дан ташқари)	30
96	Супургилар, чўткалар, швабралар...	9603	20
	Шарикли ручкалар; ручкалар ва маркерлар; авторучкалар; нусха кўчирадиган перолар; босиб чиқариладиган ёки сирғанувчи стерженли қаламлар	9608	15

Изоҳлар:

*) Фақат болалар овқатларини тайёрлаш учун зарур бўлган аралашма-компонентлар учун.

**) Инфузион эритмаларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган маҳсулотлардан ташқари.

***) Ишлаб чиқарилганига икки йил ва ундан кўп вақт ўтган мазкур тоифадаги автомобиллар учун ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб уч йилдан етти йилгача фойдаланишда бўлган автомобиллар учун белгиланган ставкалар қўлланилади.

2.3. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.

Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун аниқланган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади.

2003 йил 1 январдан бошлаб алкогольли маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг янги механизми жорий этилди, уни ҳисоблаб чиқишда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 455-сон қарори билан ўрнатилган ўлчов бирлигига, яъни юклаб жўнатилган алкогольли маҳсулот таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртининг 1 литрига қатъий белгиланган миқдорларда (сўмларда)ги ставкалардан фойдаланиларди.

Мисол учун ароқ ва ҳажмий таркибида этил спирти 30 фоиздан ортиқ бўлган бошқа алкогольли маҳсулотларга (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) 2660 сўм миқдорида ставка белгиланган; коньяк (бренди)га (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) - 4000 сўм; кучли винолар ва ҳажмий таркибида 10 дан 30 фоизгача этил спирти бўлган узум ва мева-сабзавотдан тайёрланган винолар ҳамда бошқа алкогольли ичимликларга (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) - 1252,5 сўм, ҳажмий таркибида спирт 10 фоизгача бўлган кучсиз алкогольли ичимликларга (1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун) - 1800 сўм; спирт қўшилмаган виноларга (1 литр тайёр маҳсулот учун) - 261,9 сўм; шампан виносига (1 шишаси учун) - 170 сўм.

1 литр сув қўшилмаган этил спирти учун акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси хом ашё, материаллар, энергия манбалари ва бошқа ресурслар нархи арзимас даражада ошганда акциз солиғи суммасининг кўпайиши туфайли алкогольли маҳсулот нархларининг анча ошишига йўл қўймаслик имконини берарди.

Нархларнинг ушбу ошиши шу билан изоҳланадики, 2003 йил 1 январгача республикада ишлаб чиқариладиган алкогольли маҳсулотга акциз солиғининг суммасини ҳисоблаб чиқиш адвалор услубият (қайтар ҳисоблаш) бўйича амалга оширилган. Кўрсатилган услубият бўйича алкогольли маҳсулотга акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаётганда (82 фоиз миқдоридаги ароққа ставкани ҳисобга олиб) корхона улгуржи нархини (0,5 л ҳажмли 1 шиша), мисол учун, 20 сўмга кўпайтириш шартнома нархининг (ҚҚСсиз) 111 сўмдан кўпроққа, ҚҚСни ҳисобга олганда - 134 сўмга ўсишига олиб келди.

Корхона улгуржи нархини (ҳажми 0,5 литр бўлган 1 шишага) ўша 20 сўмга кўпайтириш чоғида сув қўшилмаган этил спиртининг 1 литрига қатъий белгиланган ставкалар бўйича алкогольли маҳсулотга акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқиш шартнома нархининг (ҚҚСсиз) атиги 20 сўмга, ҚҚС ҳисобга олинганда эса - бор-йўғи 24 сўмга ўсишига олиб келади.

Тегишли ўзгартиришлар (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 25 февралда 1106-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган эди) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (янги таҳрири) (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 мартда 1106-сон билан рўйхатдан ўтказилган) киритилган эди. Унга кўра алкогольли маҳсулот ўлчов бирлиги (1 литр) акциз солиғи суммаси (спирт қўшилмаган ва шампан виноларидан ташқари) қуйидаги формула бўйича аниқланарди:

$$(\Phi \times A) : 100\%$$

бу ерда:

Φ - тайёр алкогольли маҳсулотнинг қуввати ёки фоизларда этил спирти таркиби (спирт тайёрланган хом ашё туридан қатъи назар);

А - маҳсулот бирлигига акциз солиғи ставкаси, сўмларда.

Бундан ташқари, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” ХК корхоналари ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарадиган спиртга акциз солиғи ставкаси 25 фоиздан 16 фоизга пасайтирилди.

Қолган акцизланадиган маҳсулотлар бўйича ставка миқдорлари 2002 йил даражасида сақланди. Бундан ташқари, 2003 йил 1 январдан бошлаб видео ва аудиоаппаратуралар, шунингдек “ЎзДЭУавто” АЖ ишлаб чиқарган автомобилларга ишлаб чиқарувчилар мазкур маҳсулотга доир акциз солиғини тўловчилар ҳисобланарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-244-сон қарори билан 2006 йилдан бошлаб ўрнатилган ўлчов бирлигига, яъни юклаб жўнатилган алкогольли маҳсулот таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртининг 1 далига (10 литр) қатъий белгиланган миқдорларда (сўмларда)ги ставкалардан фойдаланиш бошланди ва ҳисоблаш тартибида ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги вақтда республикада акциз солиғи ставкалари товар қийматининг маълум фоизи (адвалор ставкалар) ва (ёки) натура ифодасида ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий ставкалар) белгиланди.

Акциз солиғи қуйидаги тарихда ҳисоблаб чиқилади.

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарларга :

а) товарнинг натурал бирлигига сўмларда қатъий ставка белгиланган товарларга:

$$S_a = P \times S,$$

Бу ерда:

S_a – акциз солиғи суммаси;

P –тегишли ўлчов бирлигида сотилган товарнинг натура кўрсаткичлардаги ҳажми;

S – акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлиги сўмларда.

б) адвалор ставка белгиланган товарларга:

$$S_a = M \times S / 100,$$

бу ерда ерда :

S_a – акциз солиғи суммаси;

M – ўз ичига акциз ва қўшилган қиймат солиғини олмаган қиймат;

S – акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

2. Ўзбекистонга импорт қилинадиган товарларга:

а) товарнинг натурал бирлигига АҚШ долларида қатъий ставка белгиланган товарларга:

$$S_a = H \times S,$$

бу ерда H – импорт қилинадиган товарнинг натура кўрсаткичлардаги ҳажми;

б) адвалор ставка белгиланган импорт қилинадиган товарларга:

$$S_a = \frac{H \times S}{100},$$

бу ерда: H – товарнинг божхона қиймати;

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, АҚШ, Канада, Япония каби ривожланган мамлакатларда натура ифодасидаги ўлчов бирлигига мутлақ суммада солиқ ставкаларини қўллашни назарда тутадиган ўзига хос акциз солиғига тортиш тизими амал қилмоқда. Европада акциз солиғини қўллаш тажрибаси ҳам махсус (қатъий) ставкалар томонига ўзгармоқда. Бундай тартиб МДҲ мамлакатлари Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Қирғизистон, Қозоғистон ва Озарбайжонда ҳам қўлланилмоқда.

Билвосита солиқнинг бир тури сифатида акциз солиғига тортиш уни ҳисоблаш жиҳатидан жуда оддий. Акциз солиғининг суммаси сотилган акцизли товарларнинг қиймат ёки натура кўрсаткичига асосланиб белгиланади. Ишлаб чиқариладиган акцизли товарлар бўйича адвалор ставкаларини қўллаш чоғида товарларни харид нархида сотишнинг акциз

солиғи киритилган ҳажми солиққа тортиладиган айланма бўлади. Маҳсулот бирлигига акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган товарлар бўйича солиққа тортиладиган айланма учун уларни натура ҳолида сотиш қабул қилинади.

Республикада товарларни акциз солиғига тортишнинг имтиёзли тизими мавжуд. Чунончи, акцизли товарларни экспортга етказиб бериш, бундан рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган айрим турдаги акцизли товарлар мустасно, акциз солиғи тўлашдан озод қилинади.

Халқ истеъмоли товарлари бўйича ҳам имтиёзлар мавжуд. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 390-сон қарори билан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар (тамаки маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, кирсовун ва атир совун ҳамда бензин ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари) бўшаб қоладиган маблағни истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, маҳсулот турларини кўпайтиришга, рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни оширишга сарфлаш шарти билан бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинди. Импорт қилинадиган товарларни акциз солиғидан озод қилиш божхона тўғрисидаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Кичик бизнес субъектларининг фаолиятини янада ривожлантириш учун тегишли меъёрий базани барпо этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари акциз солиғига тортиш соҳасига ўзгартиришлар киритилди. Президентнинг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ПФ-3620-сон Фармониға мувофиқ 2005 йил 1 июлдан бошлаб янги тартиб ўрнатилди, унга мувофиқ акцизли маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига

камайтирилар эди. Бу ҳужжат қабул қилинмасдан олдин микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибига мувофиқ акциз солиғи тўлайдиган кичик бизнес субъектлари ягона солиқни ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган базадан акциз солиғи суммасини чиқариб ташламас эди. Фармонда акс этган меъёرنинг киритилиши бир объектдан ҳам ягона солиқ, ҳам акциз солиғи олинадиган тартибни бекор қилди. 2008 йилдан амалга киритилган Солиқ кодексининг 350–моддасига кўра ягона солиқ тўлови акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайдиган бўлди.

Президентнинг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” ПҚ-100-сон қарори микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фаолият муҳитини анча яхшилади. Хусусан, улар 2005 йил 1 июлдан бошлаб давлат солиқ хизмати органларига ҳисоб-китоблар ва ҳисоботни ҳар ойда эмас, чорақда бир марта тақдим эта бошладилар. Айни пайтда солиқлар ва йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги даврийлиги сақланиб қолди.

Бу меъёрга мувофиқ акциз солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар унга доир ҳисоб-китобларини давлат солиқ хизмати органларига уч ойда бир марта, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай топширишлари керак. Улар ҳар ўн кунга ажратиб кўрсатилади. Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарори билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларнинг Президентнинг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон қароридаги меъёрларни назарда тутувчи алоҳида ҳисоб-китоб шакллари белгиланди.

Энди акцизли товарларни ишлаб чиқарадиган кичик бизнес субъектлари йилнинг биринчи чораги, ярим йил ва 9 ой якунлари бўйича шу билвосита солиққа доир ҳисоб-китобларини ўн кунликларга ажратиб, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай топширишлари керак, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатида топширишади.

Бу янгилик кўп солиқ тўловчиларга ҳисоб-китоблар миқдорини анча камайтириш, бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш имконини берди. Уларнинг вакиллари энди солиқ органларига ҳар уч ойда бир марта борадилар. Бундан ташқари, солиқ юки ҳам камайди, уларнинг даромадларидан икки марта солиқ олиш бартараф этилди.

Кичик бизнес субъектлари тоифасига кирмайдиган акциз солиғи тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай — жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, белгиланган шаклда, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари расшифровкаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Вино-ароқ ичимликларини кўп миқдорда ичиш зарарли эканлиги сир эмас, уларнинг қалбакисини ичиш эса бундан ҳам кўп зарар келтиради. Шишадаги ичимлик қалбаки ёки ҳақиқий эканлигини белгилайдиган аломатлардан бири унинг нархи деб ҳисоблайдилар. Ана шу исбот талаб

қилмайдиган машҳур қоидага амал қилиб, аниқроғи, алкогольли контрафакт ва қўлбола ароқ йўлига ғов қўйиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон билан 2011 йил 1 январидан бошлаб алкогольли маҳсулотларга (пиводан ташқари) энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлар жорий этилди, бундай маҳсулотлар энди улардан паст нархларда реализация қилиниши мумкин эмас.

Алкоголли маҳсулотларга энг кам нархларни жорий этиш амалиёти мамлакатимиздагина эмас, турли мамлакатларда ҳам кенг қўлланилади.

Алкоголли ичимликларга (пиводан ташқари) энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлар айрим ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари, шунингдек ноқонуний алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларига бозордаги нархлардан паст нарх қўйишларига йўл қўймаслик мақсадида белгиланди. Шубҳасиз, бу нархларни жорий этиш алкогольли маҳсулотларнинг легал бозоридан яширин цехларда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларни сиқиб чиқаришнинг таъсирчан дастагига айланиши керак.

Бундан ташқари, энг кам нархни жорий этиш, биринчидан, бозорни легаллаштириш ҳисобига давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш имконини беради. Зеро ғайриқонуний алкоголь ишлаб чиқарувчилар солиқ тўланган алкоголь билан хуфия ишлаб чиқарилган алкоголь ўртасида нархлардаги тафовут боис мўмай даромад орттирадилар. Бинобарин, ноқонуний тайёрланган алкоголь албатта арзон бўлади, ушбу фарқ эса турли йўлларни қўллашга мажбур этади. Айни демпинг(1) нархлар хуфия бозорнинг юраги ҳисобланади. Бундай ҳолат мавжуд бўлмаса, ноқонуний, бироқ анча арзон маҳсулотга бўлган талаб пасаяди, демак олинадиган наф ҳам камаяди. Шу сабабли спиртли ичимликлар ҳақиқий қийматидан паст бўлмаган даражада энг кам нархнинг жорий этилиши билан (барча харажатлар, шу жумладан солиқлар ҳамда зарурий фойдани ҳисобга олганда) ноқонуний алкоголь ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб қолади.

Иккинчидан, жорий этилган энг кам нархлар алкоголь ишлаб чиқарувчига бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш имконини беради. Бу масала эса ғоятда долзарб. Айрим тадбиркорлар зарур таркибий қисмларнинг ҳажмини камайтириш (уларнинг бирини олиб ташлаш ёки сифатсиз хом ашё билан алмаштириш) ҳисобига вино-ароқ ишлаб чиқариш технологиясини бузадиган, ўз харажатларини камайтириш бўйича бошқа чизмаларни қўллайдиган ноҳалол рақобатнинг кескинлашиши боис конунга итоат қилувчи виждонли тадбиркорларга қараганда афзалликларга эга бўлиб, харидорга нархи пасайтирилганлиги туфайли ҳамёнбоп бўлган нархни таклиф қиладилар.

Жорий этилган нарх тизими туфайли рентабеллик ошади ва, тегишинча, корхонада ривожлантириш учун қоладиган маблағлар кўпаяди, бундан ташқари савдо устамасини камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Учинчидан, алкогольли маҳсулотларга нархнинг қуйи планкаси жорий этилиши сифатсиз алкоголь истеъмолини камайтириш имконини беради.

Улардан кам нархда реализация қилиниши мумкин бўлмаган алкогольли маҳсулотга энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархларнинг аниқ миқдорлари Қарорга 1-иловада белгиланган. Улар вино ва ликёр-ароқ маҳсулотларига алоҳида, шунингдек ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо корхоналари учун алоҳида белгиланган. Чунончи, ҳар қандай тайёр вино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг (маълумки, республикада спиртли виноларнинг 90%га яқини ишлаб чиқарилади, қолган қисмини натурал ва шампан винолари ташкил этади) энг кам улгуржи сотиш нархи бир литр учун 2000 сўмдан, ликёр-ароқ маҳсулоти 4300 сўмдан паст бўлмаслиги керак, энг паст чакана нарх тегишинча 2500 ва 5400 сўмни ташкил қилади.

Агар алкогольли идишнинг ҳажми хилма-хиллигини ҳисобга олсак, нархлар тартиби ҳам табақалаштирилган шкаладан иборат бўлади. Юқорида тилга олинган нархлар уни ҳисоб-китоб қилиш учун база ҳисобланади. Мисол учун, сиғими 0,25, 0,5 ва 0,7 л бўлган шишалардаги винони ишлаб чиқарувчилар тегишинча 500, 1000 ва 1400 сўмдан кам бўлмаган нархларда

реализация қилишлари керак. Чакана савдода эса улар тегишинча 625, 1250 ва 1750 сўмдан кам турмайди. Коньяк, ароқ, ликёр ва бошқа алкогольли ичимликларни реализация қилишдаги табақалаштириш ҳам шунга ўхшайди. Чунончи, ишлаб чиқарувчи корхоналар 0,25 литрли шишадаги ароқни 1075 сўмдан, 0,5 литрли шишадагисини 2150 сўмдан, 0,7 литрли шишадагисини эса 3100 сўмдан кам бўлмаган нархда реализация қилишлари керак. Ушбу товарларнинг худди шундай ҳажмлардаги чакана савдосида нарх тартиби тегишинча 1350, 2 700, 3 780 сўмни ташкил қилади.

Энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархларни белгилашда объектив равишда шаклланадиган ишлаб чиқариш харажатлари, зарур рентабеллик даражаси, маҳсулот бирлигига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкалари, шунингдек улгуржи ва чакана савдо устамаларидан келиб чиқилди.

Шу сабабли харидор шуни аниқ ўзлаштириб олиши керак: алкоголь белгиланганидан паст нархда бўлса, контрафакт ёки нолегал ишлаб чиқарилган маҳсулот эканлигини билдиради. Шу тариқа, энг кам нарх биринчи навбатда шишадаги ичимликнинг истеъмолчи учун хавфсизлигини тасдиқлайдиган индикатор ҳисобланади, чунки маҳсулот давлат сифат стандартларига мувофиқлиги текширувидан ўтганлиги хусусида гувоҳлик беради. Назорат қилувчи органлар учун эса бу истеъмолчи барча талаб қилинадиган солиқларни давлат бюджетига тўлаганлиги, демак, ўз маҳсулотини легал равишда ишлаб чиқарганлигининг яна бир тасдиғидир (акциз маркалари билан бир қаторда).

Бозор иқтисодиётининг нарх тизими анчагина ўзгарувчан тусга эга. Унга кўп омиллар таъсир қилади. Шу сабабли Қарорнинг 2-бандида нархларни тезкор ўзгартириш мақсадида қуйидаги шарт назарда тутилган: алкогольли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлар, маҳсулотларни сотиш нархлари ва ҳажми ўзгаришидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, чора-тадбирлар мажмуигина мавжуд муаммони ҳал қилиши мумкин. Аввало, энг кам нарх қўлланиши устидан тегишли назорат таъминланиши лозим. Жамоат назорати унинг муҳим таркибий қисмига айланиши керак. Мисол учун, маҳалла қўмиталари сингари жамоат институтининг аҳамияти жуда катта, уларнинг ахборот-тушунтириш иши аҳолига ижобий таъсир кўрсатади.

Қарорнинг 4-бандида белгиланишича, Молия вазирлиги, ДСҚ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси белгиланган тартибда мониторинг ва текширишлар ўтказиш воситасида алкогольли маҳсулотларнинг белгиланган нархлардан паст нархларда сотилишини аниқлаш учун тегишли назоратни амалга оширадилар. Чунончи, алкогольли маҳсулотларни белгиланган энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда реализация қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан жарима санкциялари қўлланади. Уларнинг миқдорлари Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибига (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган) Қарорнинг 2-иловасига биноан киритилган қўшимчалар билан белгиланган. Мисол учун, ушбу талабни бузган тайёрловчи ўзи реализация қилган алкогольли маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Айни шу ҳукуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда - қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи сотиш нархидан паст нархларда реализация қилинган алкогольли маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида, лекин ЭКИХнинг 300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади. Ушбу жарималар суммасини аниқлашда реализация қилинган алкогольли маҳсулотнинг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Шунингдек Қарорга 2-илова билан Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова), Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига 31-илова билан Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига (Президентнинг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарорига 2-илова) алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст нархлар бўйича реализация қилишни тақиқлайдиган кўшимчалар киритилди. Чунончи, ушбу қоидаларни бузганлик учун ЭКИХнинг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солинади. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўриб чиқилганидан кейин энг охирги чора - алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланиши мумкин.

Айбдор ходимлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилишини қайд этиб ўтишимиз лозим. Ҳуқуқбузарликка баҳо берилишига боғлиқ ҳолда уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланиши ёки жиноят ишлари қўзғатилиши мумкин.

Савдода ҳозир энг кам нархлардан паст нархларда импорт алкоголли маҳсулотни топиб бўлмайди. Ана шу сабабли ҳам бу ҳол мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар учун ҳеч ҳам хавф солмайди.

Қарорнинг 3-бандида "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига алкоголли маҳсулотлар учун энг кам нархлар жорий этилиши тўғрисида ўн кун ичида маълум қилиш топширилди. Улар шунингдек алкоголли маҳсулотлар учун энг кам нархлар қўлланиши тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўришлари ҳамда алкоголли маҳсулотлар учун энг кам нархлар жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини ўтказишлари шарт. Ҳозирги вақтда барча

манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан аҳоли ўртасида шу иш олиб борилмоқда.

Солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш, солиқ ва мажбурий тўловларнинг давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўлиқ тушишини таъминлаш, айниқса бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш, яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари ҳамда коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий органлари томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида солиқ юкининг йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартиб-таомилларининг соддалаштирилиши, текширишларга чекловларнинг кучайтирилиши, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир.

Департамент органлари томонидан ҳам асосий эътибор текширишлар сонини камайтириш, уларни бевосита ноқонуний фаолият кўрсатаётган субъектларга йўналтириш орқали ҳақиқий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Аммо, давлат томонидан солиқ юкини пасайтириш, ички ишлаб чиқариш қувватларини кўтариш борасидаги имтиёзлар, енгилликлар жорий этилишига қарамай, фуқаролар орасида қонун билан белгиланган тартиб-қоидаларни бузиш ҳолатлари, афсуски, ҳали-ҳануз учрамоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Агар эътибор билан кузатилса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини барпо этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилиши, қатор солиқ имтиёзларининг амалга киритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Солиқ юки йилдан-йилга пасайтирилишига қарамай, Давлат бюджетига тушаётган тушум миқдори асло камаймаётганидан мамлакатимизда солиқларнинг нафакат ундирувчи, балки рағбатлантирувчи омили самара бераётганини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот объектидан келиб чиқиб, асосий эгри солиқлардан бири бўлган акциз солиғининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи хусусида изланишлар олиб борганимизда, дастлаб эгри солиқлар айрим товар турлари (туз, тамаки, ароқ маҳсулотлари, гугурт, шакар ва бошқа кенг истеъмол моллари)га айнан акциз солиғи кўринишида намоён бўлганлиги, ҳамда вақт ўтиши билан акциз ости товарлари рўйхати кенгайиб борганлигини кузатишимиз мумкин.

Солиққа тортиш тизимига кўра акциз солиғи билвосита солиқлардан ҳисобланиб, маҳсулот, товар баҳоси тарифига устама шаклда қўйилиб, истеъмол маҳсулотининг баҳосининг юқори бўлишига нарх-навони ўсишига бевосита таъсир этади. Акцизлар - товарлар учун қўйиладиган билвосита солиқларнинг бир тури бўлиб, қўшилган қиймат солиғидан фарқли маълум бир чегараланган тур ва гуруҳдаги маҳсулотларнинг нархига қўшилади. Акцизлар қадимда барча давлатлар бюджети даромадларини шакллантиришда муносиб хисса қўшиб келган. Чунки акцизлар орқали давлат зарурати учун зарур бўлган молиявий маблағлар тез ва оддий солиққа тортиш механизми орқали ундириш имконияти мавжуд бўлган. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида акцизлар давлат молиявий ресурсларининг шаклланиб боришида асосий ўрин тутди. Алоҳида товарлардан акциз солиғини ундириш зарурлиги улардан давлат бюджетини даромадларини шакллантиришнинг қўшимча манбаи сифатида фойдаланишдан ташқари,

алоҳида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш учун зарурлигидир.

Билвосита солиқлар хусусан, акциз солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий солиқлардан бири бўлиб, давлат бюджети даромадлари таркибида энг юқори солиқ тушумлари ушбу солиқлардан ташкил топади.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1.Акциз солиғини бир ойда уч марта эмас икки марта ундириш тизимини жорий этиш лозим.

2.Ўсимлик мойини акциз товарлари рўйхатидан чиқариш керак.

3.Акциз солиғини импорт товарларига нисбатан ҳисоблаш жараёнида импорт божини солиқ базасига киритиш лозим.

4.Таҳлиллар шуни кўрсатдики, акциз солиғининг корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсирининг асосий оқибатларидан бири бюджетга тўловсизлик, яъни солиқ қарзларининг юзага келишидир. Бу эса солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини пасайтиради. Шу сабабли, акциз солиғининг бюджет даромадларига таъсирини баҳолашда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси кўрсаткичидан фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2010 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил декабрь 52 (1) –сони. 219 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”. 1997 йил 29 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида». 2006 йил 17 апрел ПҚ-325.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрь ПФ-4058.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабр ПҚ-1024.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабр ПҚ-1449.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабр ПҚ-1245.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбири тўғрисида”. 2009 йил 26 январь ПҚ-1047.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Маҳаллий ноозиқовқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2009 йил 28 январь ПҚ-1050.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 28 январ.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. « Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади » // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 21 январ.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.—Т.: Ўзбекистон, 1998.358-б.
14. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008. – 265 б.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
16. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
17. Каримов И.А., «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида»- Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2005, - 525 бет
18. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз.\ \ Қишлоқ ҳаёти. 2004 й. №20 (6701). -26

19. Каримов И.А. "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир". Маърифат газетаси. 2007 йил 14 феврал, № 13.
20. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.Т., Ўзбекистон, 1995 .- 269 б.
21. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997.- 326 б.
22. Абдуллаев Ё.А.,Яхёев Қ.А.Солиқ:100 савол ва жавоб.Т.:«Меҳнат»,1997 й.
23. Бекнозов Н. “Иқтисодиёт назарияси”.Т. «Меҳнат», 2005.
24. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Государственный бюджет. Учебник. - Т.: Иқтисод-молия. 2007.- 452 с
25. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод ва молия. 2005.
26. Жўреав А, Тошматов Ш. Солиқлар ва солиққа ториш.. Ўқув қўлланма.. Т.: “Norma”, 2009
27. Завалишина И. А. Налоги: теория и практика. Т.: "Мир экономики и права", 2004.
28. Йўлдошев, Й.Турсунов. «Молия ҳуқуқи». Тошкент. «Меҳнат». 1999. -246.
29. Ли В. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений. // Экономическое обозрение. 2003. №7. стр 3
30. Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари Т. Академия 2002.
31. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайитириш керакми? // Солиқ академияси. — Тошкент, 2006. — 32 б.
32. Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. Т.: Фан ва технология. 2008-203бет
33. Тошқулов А.Ҳ Тулаков У. Т Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаблари ва таъсири. Термиз. “Полиграф-Нашр” 2009. 36бет
34. Т.Юткина, Налоги и налогообложение Уч.пособиеМ.: ИНФРА-М 2001

35. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Молия» нашриёти, 2003 й.
36. Шаулов Д., Кан Т., Солиқ қонунчилиги асослари Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси 2000
37. ”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси 2005-2011 йил сонлари.
38. “Norma” ҳуқуқий-меъёрий ахборотлар тизими.
39. Сурхондарё вилояти Иқтисодиёт бошқармаси ҳисобот материаллари 2008-2010 йиллар.

Интернет сайтлари

- | | | | |
|----|---|-----|---|
| 1. | http://www.krizis.ru | 8. | http://www.gov.uz |
| 2. | http://www.mircrizis.ru | 9. | http://www.mf.uz |
| 3. | http://www.finansovyi-krizis.ru | 10. | http://www.soliq.uz |
| 4. | http://www.krizisworld.ru | 11. | http://www.mfa.uz |
| 5. | http://www.uza.uz | 12. | http://www.mvp.uz |
| 6. | http://www.undp.uz | 13. | http://www.edu.uz |
| 7. | http://www.crisis-blog.ru | | |

МУНДАРИЖА

Кириш.....

1.Боб. Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.....

1.1.Акциз солиғининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....

1.2.Акциз солиғининг жаҳон солиқ амалиётида қўлланилиши ҳамда ривожланиши.....

2.Боб. Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини амал қилиш жараёни, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.....

2.1.Ўзбекистон солиқ тизимида акциз солиғини жорий қилиниши.....

2.2.Акциз солиғини тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ ставкалари....

2.3.Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....